

**4-курс тарих битирувчиси Холматова Дилбарнинг
Зарафшон воҳасида илк дехқончилик маданиятини
юзага келиш сабаблари ва муомолари (археологик
маълумотлар асосида) мавзусида ёзилган битирув малакавий
иши**

**Илмий раҳбар Бегиев О.
тақризчи О.Назаров**

Гулистон 2011

Кириш

I боб Қуйи Зарафшон воҳаси ўрганилиши тарихи

1.1§. Мохондарё ёдгорликлари

1.2§ Лавлакон Қизилқум ички ҳудуди

1.3§. Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш маданиятини шаклланиши

II боб Юқори зарофшон хавзасидаги неолит даври ёдгорликлари

2.1§. Юқори хавзасидаги ёдгорликлар

2.2§ Саразм хўжалиги ва архитриктураси (деҳқончилик маданиятининг шаклланиши)

III боб Илк деҳқончилик маданиятини юзага келиши

3.1§ Замонбобо маданияти ёдгорликлари

3.2§ Зарафшон воҳасида дашт кўчимачиларининг пайдо бўлиши ва илк деҳқончилик маданияти таъсири

Хулоса

Кириш

Мавзунинг долзараблиги: Неолит узоқ давом этган тош асрининг сўнгги ва якунловчи босқичи ҳисобланади.

Неолит даврида иқлим татқиқот сўзига қараганда ҳозирги ҳолатга яқин бўлган улар ер юзидаги қулай сув хавзалари атрофида табиий шароитига мослашган ҳолда ўзлаштирувчи хўжаликдан фойдалироқ ҳолда бўлган ишлаб чиқариш хўжалигини юритишга ўта бошлаганлар жанубий ҳудудларда аҳолининг ўтроқлашув жараёни юзага кела бошлаган шимолироқ ўлкаларда бунга нисбаттан табиий шароитга қараб ўтроқлашув жараёни кечроқ вақтга сурилган.

Неолит даврида қуйи Зарафшонда мохон кўли атрофидаги пайдо бўлган неолит даври жамолари ҳақида маълумот бериш ва уларни ижтимоий тизими ҳамда маданиятини ойдинлаштириш Ўзбекистон тарихини ўқитишда мактаб ўқувчилари олдида турган кўп муамоларини ечишга ёрдам беради. Хурматли Президентимиз айтганидек ўз тарихини билмасдан туриб келажак тарихи ҳақида тасавурга эга бўлиши қийин. Дар ҳақиқат ўлкамизда ўтмиш тарихини ва илк ишлаб чиқариш маданияти ҳақида кенгроқ маълумот бериш масалани долзараблигидан далолатдир.

Ўрганилиши тарихи ўтган асрнинг 60-70 йилларда қуйи Зарафшонда Яхия Ғуломов раҳбарлигида Зарафшон воҳасини ўрганилиши экспедициясининг иш жараёнида Қуйи Зарафшон хавзасида Мохондарё кўли атрофида суғориш эвазига юзага келган дехқончилик маданияти намуналари аниқланди.

(Я.Г Ғуломов, У.Исломов, А.Асқаров, Первобытная культура и возникновения орошаемого низовьях Зарафшана 1966)²

Мохондарё Хўжайли Катта ва Кичик Тузкон атрофларида топилган маконлар Амударё қуйи оқимидаги Калта минор маданиятини довоми эканлиги аниқланди. Толстов С.П Древней Хорозим 1948 й³. Мохондарё хавзасидаги дарвоза қир ёдгорликлари ва уларнинг турмиш шароити

юзасидан кўп маълумотлар аниқланди. Коробкова Г.Ф.Оридуя труда и хояйство неолитических племен Средней Азия 1969⁴

Сўнги йилларда бу худудда Исломов У, Асқаров А., Вноградов А.В. Кропкова Г.Ф. ва Холматов Н.У.лар Ўрганиш ишлари билан машхур бўлишди. Комплекс равишда олиб борилган ишлар Неолит жамоаларининг хўжалик маданияти тўғрисида кенг маълумотлар олишга ёрдам берди.

Ишнинг максади Ўрта Осиёда Жойтун, Калтаминор, Хисор каби йирик маданиятлар ҳақида маълумотлар қаторида Калтаминор маданиятини таркибий қисми бўлган қуйи зарофшон воҳаси Неолит жамоаларини ижтимои тизимига боҳо бериш.

Ишнинг илмийлиги Зарофшон воҳасини ибтидои даври маданиятига оид бўлган ёдгорликлари харитасини тайёрлаш, уларни хронологик бошқичларини кўрсатиш ва Неолит жамоасини маданиятини ўқувчиларга тушинарли ҳолатда етказиш услублари тизимини баён этишдир.

Ишнинг тузилиши Кириш ва учта бобдан иборат бўлиб Биринчи бобда қуйи Зарофшон воҳасидаги олиб борилган илмий тадқиқотлар Неолит даврига оид бўлган маконлар, модий топилмалар ҳақида маълумот берилади. Иккинчи бобда Юқори зарофшон ёдгорликлари ва ишлаб чиқариш маданиятлари ҳақида маълумотлар баён этилади. Ишнинг учинчи боби Илк дехқончилик маданиятини юзага келиши сабаблари ва муомалари тушинчасига қаратилган. Бу бобда Зарофшон Воҳасидаги илк ўтироқлашиш, чорвачилик хўжаликларининг пайдо бўлиши ва сўнги ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даврида дехқончилик ва суғарма дехқончилик маданиятини юзага келиши сабаблари устида тўхталинади.

Хулоса қисмида Зарофшон воҳасидаги Неолит жамоаларини пайдо бўлиши уларнинг моддий ва хўжалик маданиятлари ҳақида қисқача якуний баҳо берилиб Битурич малакивий иш изохли терминлар луғоти асосида хулоса ясалади.

I боб Қуйи Зарафшон воҳасини ўрганилиши тарихи

1§. Мохондарё ёдгорликлари

Ибтидоий жамоа тарихида ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш милоддан олдинги VIII-VII минг йилликларда Олд Осиё ва Марказий Осиё ҳудудларида бошланган бўлиб Туркманистондаги Жонтун ёдгорлиги даслабки ишлабчиқариш хўжалигига мослашган неолит даври ёдгорликларидан бири эди. Ўрта Осиё миқёсида неолит жамоаларига тегишли энг кўп сонли маконлар Зарафшон дарёси қуйи этаги қадимги ўзанлари ҳавзасидан топилган бўлиб, улар етти юздан ортиқ. Аммо уларнинг аксариятида маданий қатлам сақланиб қолмаган. Мазкур маконлар илмий талқини бу минтақада неолит даври тараққиёт босқичларининг деярли барчасига оид жамоалар маданиятини кузатиш имконини беради. Уларнинг ўрганилиши Зарафшон дарёсининг ҳозирги кунда қуриб қолган қадимги ўзанлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Ўзбекистон ҳудида ўткан асирнинг 30 йилларида археолог С.П Талистоп томонидан Калтаминор, А.В Вноградов томонидан Қизилқум воҳаси, Қуйи Зарофшон неолет жамоалари маданияти Ў.Исломов томонидан ўрганилди. Дехқончилик маданияти бўйича А.Асқаров илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида неолит жамоаларини уч даври босқичи аниқланди. Кейинги йилларда амалга оширилган, палеогеографик, археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида учта қадимги ўзанлари бўлганлиги аниқланди. Булар унинг шимолий, ўрта ва жанубий ирмоқларидир. Зарафшон дарёси қадимги шимолий ирмоғи Эчкиликсой, Оёкагитма (шарқий ва ғарбий ҳавзаси) ҳамда Дарёсойдан иборат. Бу шимолий ўзан Зарафшон дарёсининг асосий ўзанидан Овтобачи платоси ғарброғидан ажралиб чиқиб, унинг бошланиш қисми Эчкиликсой, сўнгра Оёкагитма, давоми эса Дарёсой деб номланади ва ўзан Амударёга

куйилмасдан Қулжуктов тизмаси жануби-ғарбий этагида ўзига хос субаэрал ҳавзасини ташкил этиб, ўз оқим ҳаракатини тўхтатади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур ўзан қирғоқларида ибтидоий одамзод палеолит давридан эътиборан яшай бошлаган. Неолит даври илк босқичларига келиб, Дарёсой қирғоқлари бўйлаб одамзод жамоалари зичроқ яшаганликлари маълум бўлди. Неолит даври илк босқичи охирларига келиб иқлимнинг ўзгарганлиги туфайли Зарафшон суви оқими камайган кўринади. Шу сабабли Эчкиликсойдан Оёқагитма узилиб, унинг аввал ғарбий, сўнгра шарқий ҳавзаси шаклланган.

Дарёсой бўйлаб эса доимий сув оқими тўхтаган. Оёқагитма ҳавзалари билан бир вақтда Зарафшон дарёсининг жанубий ўзани - Моҳандарё ва Хўжайли ўзанлари ҳам оқа бошлаган. Бу ўзан Зарафшон дарёси асосий ўзанидан Яккатуг бекати яқинида ажралиб чиққан ва жануб томон қайрилиб, Амударёга қуйилган. Бу ўзан соҳилларидан топиб ўрганилган маконлар ашёлари ўзан ён қирғоқлари неолит даври ўрта босқичида одамзод томонидан жадаллик билан ўзлаштирилганлигидан гувоҳлик беради.

Моҳандарё, Хўжайли, Катга ва Кичик Тузкон атрофларидан топилган маконлар моддий маданияти Калтаминор жамоаларига тегишли эканлиги аниқланди. Уларнинг аксариятида маданий қатлам сақланмаган бўлса-да, Дорбазақир 1, 2 маконларида маданий қатламлар яхши сақланган, уларга тегишли неолит жамоалари кунлик турмуш тарзи, хўжалик юмушлари, турар жойлари борасида қимматли манбалар қўлга киритилган. Айниқса, Дорбазақир 1 маконида ўрганилган уй-жой қолдиқлари ўз шакли, қурилишлари билан Учаши 131 кулбаларига ўхшаш. фақатгина ўлчами, майдон сатҳдари кичиклиги билан фарқланади.

Маконлардан тош буюмлар, сопол, суякдан ясалган қуроллар, ҳайвон, парранда ва балиқ суяклари қолдиқлари қоллекцияси қўлга киритилган.¹ Зарафшон дарёси қадимги ўзанларидан бири бўлган Чорбақти воҳаси - шимолий ва жанубий ўзанлар ўртасида жойлашган бўлиб (Газли

шахридан 50-60 км. лар чамаси масофада), у ерда 1984-1986 йилларда тадқиқотлар олиб борилди. Бу ўзанининг асл, туб қисми ҳозирги кунда атроф ён қисмлари тупроқлари денудацион жараёнлар натижасида емирилиб кетилганидан, ер сатҳида бўртиб чиқиб қолган ҳолатда сақланиб турибди.

Чорбақти воҳасидан олтимишдан ортиқ мезолит, неолит даври жамоаларига тегишли маконлар топиб ўрганилган². Моддий маданияти билан Ўрта Осиё тоғ ва тоғ ёнбағри сўнгги палеолит-мезолит жамоалари маданиятига яқин бўлган мезолит даври маконларининг кашф этилиши бу ўзанининг нисбатан эртароқ ўзлаштирилганлигини кўрсатди³.

Қуйи Зарафшон воҳаси қадимги ўзанлари ҳавзаларидан неолит жамоалари маданияти сўнгги босқичларига оид маконлар ҳам топиб ўрганилган. Мазкур маконлар Шарқий Оёқгитма ва Моҳандарё ҳавзасида жойлашган. Бу даврга келиб ўзан сувлари оқими аста-секин камая борган, иқлим ҳам инсон яшаши учун ноқулайроқ бўлиб борган. Лекин, мил. авв. II минг йилларга оид, яъни жез даври жамоаларига тааллуқли маконларнинг топиб ўрганилиши мазкур ўзанда вақти-вақти билан сув оқиб турганлигидан далолат беради.

Қуйи Зарафшон воҳаси қадимги ўзанлари ҳавзасидан топиб ўрганилган ибтидоий жамоалар маконлари жойланиши топографик ҳолати кизиқ манзарани берди. Масалан, маконлар айни кунда қуриб қолган ўзанлар ён томонлари бўйлаб занжирсимон кўринишда жойлашган. Бу эса, неолит жамоалари ўша вақтда тўлиб, тошиб оққан ўзанларнинг ён қирғоқлари бўйлаб яшаганликлари ва ўзига хос моддий маданият яратганликларини билдиради. Юқорида Қуйи Зарафшон воҳасидан кўплаб ибтидоий маконлар топиб ўрганилганлиги борасида сўз юритган эдик.

Бу маконларнинг асосий қисми шимолий ўзан сарҳадларига тўғри келади. Афсуски, бу маконларнинг аксарият маданий қатламлари сўнгги 5-4 минг йил давомида рўй берган денудацион жараёнлар натижасида бузилиб кетган.

Мазкур ҳудудда маданий қатламлари бузилмаган ёки қисман бузилган маконлар сақланиб қолган. Уларнинг энг қизиқарлиси Учаши 131 макони ҳисобланади. Макон Дарёсой ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг маданий қатламидан Ўрта Осиё миқёсида (гарчи сақланиш ҳолати ёмонроқ бўлса-да), илк неолит даврига оид сопол буюм парчалари ҳамда Калтаминор жамоаларига тегишли энг қадимги кулбалар қолдиқлари топилган. Уларнинг сони учта бўлиб, ўлчамлари 10-12 x 15-17 метр, майдон сатҳлари тахминан 150-200 кв. метрни ташкил этувчи тўғри бурчакли шаклдадир. Шунингдек, макон маданий қатламидан қизиқарли тош буюмлар коллекцияси, сопол идиш парчалари, суякдан ясалган бир нечта буюмлар, сут эмизувчи ҳайвонлар ва балиқлар суяк қолдиқлари кўплаб топилган. Учаши 131 макони тадқиқотининг яна бир илмий қиммати шундаки, маконнинг маданий қатламидан радиоуглерод (C 14) намуналари таҳлилга олиниб, макон санаси аниқланди ва мил. авв. VI минг йилликнинг иккинчи ярми ёки охири деган хулосага келинди⁴.

Қуйи Зарафшон неолит маданияти тош индустрияси ўз хусусиятлари, яъни микролитли парақали бўлгангаги учун Калтаминор тарихий-маданий жамоалари маданияти таркибига киритиш мумкин⁵. Тош қуроллар такомиллашуви қонунятлари, хронологик хусусиятлари жиҳатидан ҳам Калтаминор жамоалари маданий тараққиётига мос: илк неолит босқичида трапеция, шунингдек, «шоҳли трапеция» шаклидаги микролит қуроллар турмушда кўпроқ қўлланилган, ўрта неолит босқичида калтаминор типидagi ўк-ёй учлари кўп ишлатилган, трапеция шаклидаги микролит қуроллар эса турмуш тарзидан чиқиб кетган.

Афсуски, Қуйи Зарафшон воҳаси неолит даври жамоалари маданиятининг сўнгги босқичлари яхши ўрганилмаган. Таъкидлаш жоизки, Қуйи Зарафшон воҳаси жамоалари сопол идишлари бошқа ҳудудлар жамоалари сопол идишларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Хусусан, илк неолит жамоалари турмушида нисбатан мураккаброқ, яъни елка қисми қовурғасимон идишлар бўлган. Лекин, бу

турдаги идишлар тезда ўз ўрнини узунасига чўзиқсимон ва ярим сферасимон идишларга бўшатиб берган. Вақт ўтиши билан сопол идишлар деворларига битилган нақшлар камайиб борган. Идишларга нақшларнинг солиниши ударнинг юқори қисми, яъни девор сатҳи учдан бир хиссасида кузатилади.

Қуйи Зарафшон воҳаси неолит жамоалари ўз турмушларида туман зеб-зийнат ва тақинчоқлардан фойдаланишган. Мунчоқ ва турли йўсиндаги тақинчоқлар ипга тизилиб, бўйинга иб юриш ёки кийимга қадаб юришга мўлжалланган. Улар сосан кичик ўлчамли юпка суйрисимон кўринишдаги қайроқ тошлардан ясалган. Баъзи тақинчоқларнинг уч қисмида бурғилаб тешишга уриниш излари сақланиб қолган. Бу турдаги тақинчоқлар Ўзбекистоннинг Марказий Фарғона, Ўрта Зарафшон воҳаси сазоғон неолит жамоалари маданиятига тегишли бўлган маконлардан ҳам топилган. Аммо, бу ҳудудда чиғаноқ тошдан, хусусан, ферузадан ясалган зеб-зийнатлар деярли учрамайди.

Юқорида биз Ўрта Осиёнинг иккита йирик дарёларидан ҳисобланувчи Амударё ва Зарафшоннинг қуйи этаклари қадимги ҳавзалари сарҳадларида яшаган Калтаминор тарихий-маданий жамоалари моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари масаласига тўхталдик. Айни вақтда чўл қиёфасида бўлган жуда кенг Қизилқум, Устюрт, Қорақум сарҳадлари ва уларнинг сувсиз, қум барханлари билан қопланган ички ҳудудлари ҳам «Лавлакан намгарчилиги» иқлимий фазаси даврида (мил. авв. 6-4 минг йилликлар) ибтидоий одамзод яшаши учун қулай иқлим, табиий ландшафтли экологик шароитга эга бўлганлиги комплекс равишда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлди. Мазкур ҳудудлар Амударё ва Зарафшон дарёлари қуйи оқими ҳавзалари билан бир пайтда ибтидоий одамзод томонидан жадаллик билан ўзлаштирилган.

Ҳаво намгарчилиги кўплиги туфайли мазкур ҳудудларда кичик-кичик табиий сув ҳавзалари пайдо бўлган. Уларнинг ён қирғоқлари бўйлаб ибтидоий аҳоли яшаган. Қизилқум ички ҳудудлари ва Устюрт платосида

амалга оширилган археологик тадқиқотлар мазкур минтақада ҳам Калтаминор тарихий-маданий жамоаларига мансуб аҳоли яшаганликларини кўрсатди. Бу жамоалар маконлари ўзларига хос бўлган асосий кўрсаткичлари, хусусан, сони жиҳатидан, маълум бир майдонларга жамланиши, археологик манбаларнинг сероблиги ва моддий маданиятига кўра дарёларнинг қадимги ўзанлари ҳавзасида жойлашган маконлар маданияти ривож даражасидан деярли қолишмайди. Бу ҳудудларга караганда, дарё этаклари қадимий ўзанлари ҳавзаларида маданий қатлами бузилмай сақланиб қолган маконлари тадқиқи истиқболлироқдир.

Қизилқум ички ҳудудлари неолит жамоалари моддий маданиятлари масаласига тўхталамиз. Қизилқум ички ҳудудларида комплекс равишда - палеогидрографик, палеогеографик, археологик жиҳатдан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида неолит маконлар бир жойга зич жойлашган тўртта йирик алоҳида - алоҳида бўлган майдонлар аниқланди. Шулар ичида нисбатан майдони жиҳатидан йирикроқ ва нисбатан яхшироқ, атрофлича тадқиқот этилгани Лавлакон сув ҳавзаси атрофи ҳисобланади.

1.2§ Лавлакон Қизилқум ички ҳудуди

Географик жиҳатдан Жануби-Ғарбий Қизилқумнинг таркибий қисми бўлган Қорақотин ботиклигининг шарқий томонида йигирмадан кўпроқ шўр сувли ҳавзалар тизими мавжуд. Уларнинг энг каттаси Лавлакон ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам йилнинг баҳор ва куз фаслларида мазкур ҳавзалар тубида сув пайдо бўлади, лекин у истеъмол учун бутунлай яроқсиз, ёз фаслида эса бу сув тортилиб кетади ва туз қатламлари яққол кўриниб қолади. Лавлакон атроф ерлари ҳам жуда шўрланиб кетган, сабаби бу ерда йиллик ёмғир ёғиши 140 мм ни ташкил этади. Чорвачилик учун ҳам бу ерда шароит йўқ, шу сабабли айни кунларда мазкур ҳудудларда аҳоли яшамайди.

Лавлакон намгарчилиги иқлим шароитида (мил. авв. 6-4 минг йилликлар) ушбу сув ҳавзалари атрофи қалин тўқайзорлар билан қопланган, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва паррандаларга бой бўлган, кўлларда балиқлар сероб бўлиб, ибтидоий одам яшаши учун тўлиқ имконият мавжуд бўлган. Лавлакон қўли қадимги қирғоқлари гир атрофи бўйлаб 300 дан зиёд неолит жамоаларига тегишли маконлар ўрганилган.

Бу маконлар археологик ашёвий далиллар топилиши жиҳатидан турличадир. Уларнинг моддий-маданияти мезолит даврининг сўнгги босқичлари ва, асосан, неолит даври жамоаларига тегишлидир. Кўпчилик маконлар майдон сатҳи жиҳатидан жуда кичик, маданий қатлами сақланмаган, макон чегараси доираси бўйлаб ер сатҳи устки қисмидан йиғиб олинган археологик манбалар миқдори ҳам жуда кам сонлидир. Ўрганилган Лавлакон 26 каби акон ҳам археологик манбалари миқдори ва илмий қиммати билан Қуйи Зарафшон воҳаси, Оқчадарё ҳавзаси, Моҳандарё маконларидан деярли қолишмайди.

Шу далилнинг ўзи ҳам Лавлакон каби кўллар ён қирғоқларида мезолит даври сўнгги босқичлари ва неолит даврида доимий аҳоли яшайдиган узоқ муддат фаолият кўрсатган йирик маконлар бўлганлиги ва

бу жойларда кўплаб аҳоли яшаб, улар ўзига хос моддий маданият яратганликларини билдиради⁶.

Лавлакон неолит жамоалари моддий маданияти хронологияси ва даврланишлари Калтаминор тарихий-маданий жамоалари маданияти даврланиши ва хронологик схемасига мос келмайди. Лавлакон маконлари моддий маданияти хронологик жиҳатдан 1-3 босқичли даврлаштиришга эга (мил. авв. 7 минг йилликнинг охири - 3 минг йилликлар). Лекин, бу босқичлар Калтаминор жамоаларининг уч хронологик бўлиниш схемасига ўз моҳияти билан ўхшаш эмас.

Калтаминор маданияти илк босқичи хронологик жиҳатдан Лавлакон жамоалари маданиятининг қадимга даврини ўз ичига олган 1 ва 2 босқичига, ўрта ва сўнгги калтаминор маданияти босқичлари эса 3-босқичта тўғри келади. Бундай ҳолат Лавлакон жамоалари моддий маданиятининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Лавлакон жамоалари моддий маданияти ўзининг бир қатор маданий элементлари ва тош қуроллари ясаиш технологик услублари билан Калтаминор тарихий-маданий жамоалари маданияти чегарасида алоҳида тутади. Улар қуйидагилар: Лавлакон маконлари тош индустрияси ўзининг нисбатан микролитлашганлиги билан ажралиб туради. Ўрта пасттекислик минтақасида бўлганидек, бу ерда ҳам Осиё мезолит даври охириги босқичлари ва илк неолитда кичик улчамли симметрик кўринишидаги трапециялар пайдо бўлган, бу турдаги қуроллар Қуйи Зарафшон воҳаси неолит жамоалари турмушида Кўп қўлланилган, бироқ лавлаконликларнинг микролит қуроллари таркибида «шоҳли трапециялар» мутлоқ учрамайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қорақата ботиклиги марказий қисмларидан (Лавлакон маконларидан атига бир неча ўн километр шарқроқдаги сарҳадлар) топиб ўрганилган неолит жамоалари маконлари моддий маданияти ўз хусусиятларига нисбатан ўзгачароқ маданиятга тегишли бўлиб чиқди. Аниқроғи, бу маконлар ўзининг кўп

жиҳатлари билан Қуйи Зарафшон маданиятига ўхшаш бўлсада (хатто «шоҳли трапеция» қуроллари ҳам учратилди), лекин тош индустрияси парақали қисми микропарақали элементи билан Ўрта Зарафшон воҳаси сазоғов жамоалари парақа қуролларита ўхшашлиги борлиги аниқланди. Бу маданий ўхшашлик Қизилқум ички ҳудудлари бошқа сарҳадларидан топиб ўрганилган маконлар моддий маданиятида ҳам қисман кузатилади.

Лавлакон жамоалари турмушларида ишлатилган сопол идишлар ўз шакли ясаиш усуллари билан Калтаминор жамоалариникига айнан ўхшаш. Фақатгина идишлар деворлари сиртига берилган нақшлар ўзига хослилик жиҳатлари билан фарқланади. Қуйи Зарафшон, Оқчадарё ҳавзаси неолит жамоалари идишларидан фарқли ўларок ўрта ва сўнгги неолит босқичларида бу жамоалар идишларида ҳукмрон мавқени чизиқли эмас, балки арратишли кўринишдаги нақшлар эгаллайди (чамаси 40%), Калтаминор маданияти сопол идишлари асосий нақши ҳисобланган тўлқинсимон кўринишли нақшлар деярли учрамайди.

Идишларда Калтаминор жамоалари маданияти сўнгги босқичларига хос бўлган «тебранувчи», «сакровчи тарақсимон» кўринишидаги нақшлар умуман учрамайди. Бу каби хусусиятлар Лавлакон жамоалари моддий маданиятининг ўзига хослигини кўрсатади.

Юқорида зикр этилган, лавлакон неолит жамоаларининг ўзига хос хусусиятлари мутахассис олимларга лавлаконликлар маданиятини Калтаминор тарихий маданий жамоалари маданияти чегарасида маҳаллий маданий вариант деб ажратиш имконини берган. Кўлларнинг ўзига хос географик жиҳатдая жойланиши ҳам шу ўзига хосликка таъсир этган бўлиши мумкин. Лавлакон кўли атрофларида, шунингдек, Қизилқум ички ҳудудлари кўпгина сарҳадларида жамоалар турли зебзинат, ясан-тусан тақинчоқлар ясада феруза тошларидан кенг тош конлари тадқиқ этилган. Ҳаттоки, Лавлакон маконларидан (худди Бешбулоқ ҳудудидагидек) ушбу тошга махсус ранг берадиган ихтисослашган устахоналар қолдиқлари ҳам топиб ўрганилган⁷.

Лавлакон жамоалари маданиятининг сўнгги босқичларига оид сопол идишлар баъзи жиҳатлари билан мазкур ҳудуд илк бронза жамоалари (мил. авв. 2 минг йилликлар 1-ярми) идишларига ўхшашлик элементлари бўлса-да, Лавлакон жамоалари маданияти кейинги чорвачилик билан шуғулланувчи бронза даври жамоалари маданиятининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган деб айта олмаймиз. Бунга манбалар етарли эмас.

Шундай қилиб, калтаминар тарихий-маданий жамоалар маданияти - Оқчадарё, Лавлакан ҳамда Қуйи Зарафшон каби маҳаллий маданий вариантлар мажмуасидан иборат. Улар умуммаданият таркибида ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида зикр этилганидек, калтаминорликлар нисбатан кенгроқ сарҳадларга тарқалишиб яшаганлар. Жамоалар турли экологик шароитларга тушиб, қолишган ва уларни ўраб турган атрофмуҳит эса турмуш тарзига таъсир этиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бири-биридан фарқланувчи маданиятлар яратилишига сабаб бўлган ва улар маҳаллий маданий вариантлар сифатида намоён бўлган.

Хуллас, Калтаминор тарихий - маданий жамоалари маданияти ўрганилишида бир қатор таянч маконлар кашф этилиб тадқиқотига эришилдики, бу маконлардан қўлга киритилган ашёлар, сўзсиз Ўзбекистон неолит даври жамоалари маданияти саҳифалари, унинг ривожланиш босқичлари ва хронологиясини билиб олишга имкон берди.

3§. Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш маданиятини шаклланиши

Кишилиқ тарихи тараққиётининг илк босқичларини ўз ичига олувчи ибтидоий давр жамоалари моддий-маданиятини ўрганишда қадимги одамлар турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш жараёни ўз мазмун, моҳияти билан ўта долзарб масала ҳисобланади. Сабаби, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, яъни деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши (неолит инқилоби) кейинги тарихий тараққиёт босқичларида муҳим социал, иқтисодий ўзгаришларга олиб келган.

Ибтидоий одамзоднинг кунлик турмуш тарзи ўзгаради ва энди улар озиқ-овқат топиш илинжида дайдиб юрмасдан, ўтроқ тарзда ҳаёт кечири бошлайди, натижада аҳоли муқим яшовчи қишлоқлар пайдо бўлади; деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ диний эътиқодлар шаклланади; лалими деҳқончилик ҳамда вақт ўтиши билан суғорма деҳқончиликка боғлиқ сув иншоотлари қурилиши бошланади. Натижада аҳолининг маълум суғорма деҳқончиликка асосланган маданий воҳаларга зичлашиши жараёни рўй бериб, обод қишлоқлар, кейинчалик улар ўрнига шаҳарлар вужудга келади. Шу тариқа шаҳарсозлик маданияти ва илк давлатчилик кўринишлари пайдо бўлдики, бу том маънода қадимги цивилизациялар шаклланиши демакдир.

Шаҳарлашиш, урбоник жараён ўз-ўзидан, бирданига рўй берган тарихий воқеилик эмас. Унинг шаклланиши шарт-шароитлари, омиллари тарихий илдизлари мавжудки, улар тарихий тараққиётнинг олдинги босқичлари жамоалари моддий маданиятига бориб тақалади. Шундай тарихий илдизлардан бири неолит жамоалари турмушида шакланган ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ватанимиз, хусусан Зарафшон воҳасида дастлабки ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши тўғрисида қуйидаги сатрларда баъзи мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Маълумки, соҳа мутахассислари тадқиқотича Олд Осиё минтақасида дастлабки ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтиш жараёни рўй берган⁸. Мазкур минтақа миқёсида илк деҳқончилик комплексларини қиёсий таҳлил этган В.М.Массон уларни ўзига хос хусусиятлар, маданий анъаналарга эга эканлигини аниқлайди ва шу асосда деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги шаклланиши тўғрисида «полицентризм» илмий концепциясини қўллаб қувватлайди ҳамда бу турдаги хўжалик шаклланган сарҳадларни 2 та маданий воҳага ажратади:

1. Ўрта Ер денгизи шарқий соҳили ҳудудлари (сополсиз неолит); 2. Шимолий Ироқ, Шимолий Эрон ва Жанубий - Ғарбий Ўрта Осиё (сополли неолит)⁹. Демакки, Жанубий - Ғарбий Ўрта Осиё илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланган минтақалар сирасига киради ва бу жойлар Жанубий Туркменистон Копеттоғ шимолий ён бағирларига тўғри келиб, илк деҳқончилик хўжалиги соҳиблари сифатида бу жойда тадқиқ этилган маданият-жойитун жамоалари маданияти номи билан фанга кирди¹⁰. Шу ўринда Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари неолит даври жамоалари хўжалик машғулотлари масаласига ҳам эътибор қаратсак, куйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз: калтаминор тарихий-маданий жамоалари турмушида термачилик, овчилик ва балиқчилик хўжалиги бўлган¹¹; Марказий Фарғона¹², Устюрт неолит жамоалари¹³ ҳаётида ўзлаштира хўжалик тўлиқ ҳукмрон бўлган. Марказий ва Жанубий Тожикистонда тадқиқ этилган ҳисор неолит жамоалари хўжалик юмушлари тўғрисида мутахассислар орасида баҳсли фикрлар мавжуд. Тадқиқотлардан ҳисорликлар нафақат термачилик, овчилик юмушлари билан шуғулланишган, балки ҳайвонларни хонакилаштирганликлари, содда усулларда бўлсада, деҳқончиликдан ҳам хабардор эканлиги маълум бўлади.

Б.Батиров Тутқовул макони маданий горизонтларидан хонакилашган эшак, қўй ва эчкиларнинг суяқларини аниқлади. Ш.Шарипов Сайёд макони ҳисор жамоаларига оид маданий қатламдан топилган ҳайвон суяқларининг 70% ни хонакилашган қўй ва эчки суяқлари ташкил этганлаги фактларини

ўз тадқиқотида келтирган. М.Н. Ермолованинг Урта Осиё миқёсида хонакилаштирилган ҳайвон суяклари тўғрисидаги тадқиқоти ҳам муҳим¹⁴.

Ҳисорликлар кундалик турмушда деҳқончилик билан шуғулланганликлари эҳтимolini, улар маконлари тоғ ва тоғ ёнбағирлари дарё, сой ён қайирлари яъни соз тупроқли жойларга жойлашганлиги фактлари ҳам исботлаши мумкин. Лекин, В.А.Ранов фикрича ҳар иккала ҳўжалик тури ҳисорликлари иқтисодиётида ҳукмрон мавқени эгалламаган¹⁵.

Энди, бевосита тадқиқотимиз мазмунига келганимизда Ўзбекистон, хусусан, Зарафшон воҳаси Шарқ дунёсида қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланади. Зарафшон воҳаси ватанимиз тарихий тараққиётини ифодалаб берувчи моддий маданият ёдгорликларига сероб ҳудудлардандир. Кейинги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра воҳа илк палеолит давридан одамзод томонидан ўзлаштирилиб, тош асрининг кейинги тараққиёт босқичлари барчасида узлуксиз, маҳаллий маданиятлар негизида ворисийлик асосда маданиятлар яратилганилиги, тадрижий ривожланиш бўлганилиги маълум бўлди ва улар археологик материалларда тизимида неолит тасдиғини топди¹⁶.

Воҳанинг шу кетма-кетлик маданият тизимида неолит даври жамоалари моддий маданиятнинг ҳам ўзига хос ўрни бор албатта юқорида Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон жамият жамоалари ҳўжалик машғулоти тўғрисида маълумотларни келтирдик. Шу нуқтаи назардан, Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши қандай даражада кечганлиги масаласини янги археологик тадқиқотлар ютуқларига таяниб имконият даражасида ёритмоқчимиз. Оқтанга макони тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олмасак, Юқори Зарафшон воҳасида неолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар ўрганилмаган.

Қуйи Зарафшон воҳаси ва унинг таркибий қисми бўлган учта қадимий ўзанларида калтаминор жамоалари яшаганлиги тадқиқотларда аниқланди ва улар моддий маданияти калтаминор тарихий-маданий

жамоалари маданиятининг маҳаллий характердаги Қуйи Зарафшон маданий варианты сифатида фанга кирган¹⁷.

Бу жамоалар хўжалик машғулоти термачилик, овчилик ва балиқчиликдан иборат бўлганлиги тўғрисида юқорида маълумотлар келтирилди. Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий-ён бағрида сазоғон неолит маданияти тадқиқ этилган. Бу жамоалар хўжалик машғулоти тўғрисида маълумотларни баён этишдан олдин ибтидоий одамзод ўз турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтишда ўзлари яшаб турган жой ландшафти, табиати, иқлимий шароити нақадар муҳим рол ўйнаганлиги фактини келтирмоқчимиз. Соҳа тадқиқотчилари бу факторларга эътибор қаратишган. Хусусан, Н.И. Вавилов ўз тадқиқотида тоғлиқ минтақаларнинг субтропик қисмида ёввойи ўсимликларни маданийлаштиришга кўпроқ имконият, шарт-шароитлар бўлганлигини алоҳида таъкидлайди¹⁸. Шу жойларда ўсган ёввойи бошоқли, донли ўсимликлар сўли, арпа, буғдойларнинг гибридлашуви, маданийлашувига воситачи бўлган.

Яқин Шарқ, Жанубий - Ғарбий Ўрта Осиё (Копетдоғ ён бағирлари, жойитун жамоалари), Марказий ва Жанубий Тожикистон ҳудудида (ҳисор жамоалари) илк деҳқончилик хўжалигига эга бўлган ёдгорликларнинг ўртача баландликдаги тоғлар ён бағри ёки алоҳида тоғ воҳалар дарёлари, йирик сойларнинг соз тупроқли ён қайирларида жойлашганлиги факти Н.И.Вавилов фикрининг тўғрилигини тасдиқлайди. В.А.Ранов ҳам ҳисор жамоалари ёдгорликларининг жойланиши ҳолатлари Яқин Шарқ неолит ёдгорликларига ўхшашлигини алоҳида эътироф этган¹⁹. Шу нуқтаи назардан, биз ҳам Ўрта Зарафшон воҳаси сазоғон неолит жамоалар маконлари Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри йирик сойлари (Оҳалик, Миронқул, Тепақул, Эгриқулча, Сазоғон каби) соз тупроқли ён қайирларида жойлашганлиги фактидан келиб чиқиб бу ҳолат жамоаларнинг дастлабки деҳқончилик юмушлари билан шуғулланишларига имкон берган деб фикр билдирамиз. Яқин вақтларгача

Зарафшон воҳаси миқёсида дастлабки ўтроқ деҳқончилик маданияти Замонбобо, Саразм ёдгорликлари мисолида тадқиқ этилган эди²⁰.

Ўз вақтида тадқиқотларимизда сазоғон жамоалари турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти куртаклари борлиги ҳақида дастлабки маълумотларни келтирган эдик. Шу эътирофни кейинги йилларда сазоғон маданиятининг янги кашф этилган ёдгорликлари (Жангал 1, Тепакул 3, Тепакул 4, Лолаб, Очил ғор маконлари) тадқиқотлари натижалари тўлиқ тасдиқлади ва энди Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти неолит даври жамоалари турмушида содир бўлган деб дадил айтаоламиз. Буни Сазоғон 2, Жангал 1, Тепакул 3,4 маконлар маданий қатламидан илк деҳқончиликдан дарак берадиган қадама қуроллар, ёрғучоқлар, донни эзиш билан боғлиқ бўлган тош буюмлар кўплаб топилиши исботлаб турибди²¹. Бу материалларнинг Юқори Зарафшон воҳасидаги Саразм ёдгорлиги археологик ашёларига ўхшашлигига, Саразм маданиятининг сазоғон неолит маданияти негизидида шаклланилиги ва автохтон маданият эканлигига ўз тадқиқотларимизда эътибор қаратганимиз²². Маълумки, Саразм ўтроқ деҳқончилик маданияти ҳисобланади. Сазоғон жамоалари маданиятининг Саразм маданиятига ўхшашлиги улар тош индустрияси парақали қисмида, шунингдек қадама қуроллари, ёрғучоқлар, донни эзиш билан боғлиқ тош буюмларида, қисман сопол идишларида намоён бўлган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Саразм маданияти, хусусан Зарафшон воҳаси энеолит ва жез даври ўтроқ деҳқончилик билан боғлиқ жамоаларнинг маданияти туб жойли маҳаллий маданиятлар негизидида шаклланилиги фактини айтамыз. Тўғри, бунда инновация, диффузия, миграция жараёнидаги маданий таъсирни ҳам инкор этмаймыз.

Зарафшон воҳасида неолит жамоалари турмушида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлганлигини Учтут чақмоқтош устохонасида касбий мутахассислашиш бўлганлиги факти ҳам исботлаб турибди. Маълум жамоалари турмушида ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлганлиги масаласини ойдинлаштиришда Қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган

Оёкагитма неолит маконидан яқинда Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедицияси ходимлари томонидан (Ф. Брунет, М. Хўжаназаров) хонакилаштирилган ҳайвон суякларининг топилиши ҳам муҳим бўлди. Тадқиқотчилар мазкур жамоалар чорвачилик хўжалиги билан шуғулланишганликларини таъкидламоқда²³. Юқорида келтирилганидек, сазоғон маданияти маконлари, Учтут чақмоқтош устохонаси ҳамда Оёкатитма макони маълумотлари Зарафшон ҳавзаси Ўрта Осиёнинг жанубий, жанубий- ғарбий ҳудудлари сингари неолит даврида энг қадимги ишлаб чиқариш иқтисодиёти бўлган марказлардан бири эканлигидан гувоҳлик беради. Воҳанинг кейинги тарихий тараққиёт босқичлари-энеолит ва жез даври ўтроқ деҳқончилик хўжалиги маданияти шу неолит жамоалари турмушидаги ишлаб чиқариш иқтисодиётининг тадрижий давомчилари, ворислари ҳисобланади. Хуллас Зарафшон воҳасида кечган тош даври жамоаларининг узлуксиз, автохтон тарзидаги маданиятининг тадрижий давоми тарихий тараққиётнинг энеолит, жез ва илк темир (Саразм, Замонбобо, Тўқайли, Афросиёб, Кўктепа ва ҳ.к) даври жамоалари маданиятида кузатилади.

Металлнинг кашф этилиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнади: ўтроқ суғорма деҳқончилик кашф этилди: цивилизациянинг асосларидан бўлган урбоник, шаҳарлашиш жараёни ривожланиб кетди; маънавий тараққиётда ўзгаришлар бўлди; мулкӣ табақаланиш асосида дастлабки давлат кўринишлари, шакллари юзага кела бошлади. Шу каби омиллар Зарафшон воҳаси қадимги цивилизациясини шакллантирган. Бу қадимги цивилизация мазмунида, шубҳасиз воҳа миқёсида кечган илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши муҳим аҳамият касб этади, унинг тарихий илдизларидан бири бўлиб ҳисобланади.

II боб Юқори зарофшон хавзасидаги Неолит даври ёдгорликлари

2.1§. Юқори хавзасидаги ёдгорликлар

Ўтган асрни иккинчи ярмида ибтидоий маданият изини ўрганиш археология фани олдидаги муҳим масаларидан бири ҳисобланади Ўрта Осиёда жумладан Ўзбекистон ҳудудида илк деҳқончилик маданиятини шаклланиши жараёнига бўлаган сабаблар муамоси ўз ечимини изламоқда. Бу масаланинг ечими ишлаб чиқариш хўжалиги юзага келиши билан боғлиқлиги ҳисобга олиниб Зарофшон хавзасида ибтидоий маданият ёдгорликларини аниқлаш ишлари кескин равишда жадаллаштирилди.

Яқин пайтларгача қадимги деҳқончилик маданиятига оид қишлоқ ва овинларни йўқлиги ва аниқланмаганлиги Зарафшон дарёсининг хавзасида деҳқончиликнинг келиб чиқиши илк босқичларини ўрганишда катта қийинчилик туғдирар эди. Моварауннахрнинг нақ ўртасида жойлашган, табиий иқлимий шароитлари Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик воҳаларидан ёмон бўлмаган Зарафшон воҳаси жанубий Туркменистон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг илк шаҳарли цивилизацияларидан гўё икки минг йил орқада қолиб кетгандай эди.

Зарафшон воҳасидаги текисликларда деҳқончилик учун шароит яратилган бўлиб, айрим тахминларга кўра суғориш майдонлари ҳам мавжуд бўлган. Археологлар томонидан 1977 йилда аниқланган Саразм бронза даври қишлоғи катта аҳамиятга эга Саразмда археологик тадқиқот ишлари давом этмоқда. Лекин ҳозир ҳам бу ердан олинган натижалар Ўрта Осиё икки дарё оралиғида деҳқончилик вужудга келган вақтни, унинг ривожланиш даражасин аниқлаш, қўшни музофотлар билан алоқаларини кузатиш ва ўрганиш имконини беради. Саразм деҳқончилик маданияти. Дашт ва чўллар яқинидаги тоғ олди минтақасида яшаган, деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли бутун бронза даври давомида Евроосиё қадимги аҳолисининг тарихи ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутган.

Ўрта Осиёнинг жанубидаги қабилалар Олд Осиё қадимги шарқ цивилизацияларнинг шимолий чегагараларида жойлашган эдилар. Улар шимол даштларидаги қўшинларига караганда маданиятнинг юқорироқ босқичида турар эдилар. Бу қабилалар бронза асри давомида ўзларининг деҳқончилик – чорвачилик хўжаликларини ривожлантириб бориб Олтинтепа, Сополлитепа, Сумбар ва шунга ўхшаш бир нечта мустақил, ўзига хос белгиларга эга бўлган маданиятларни яратишиб, шимолий қўшниларининг маданияти ривожланишига ҳам катта таъсир ўтказишди. Бронза даврининг охирида эса оқибатда Чуст, Бургулук, Бешкент-вахш ва бошқа маданиятлар вужудга келишига сабаб бўлган тескари ҳолатни, шимолдаги дашт қабилаларининг жанубга таъсирини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятлари аҳолиси европоид ирқига мансуб бўлган. Неолит ва энеолит маданиятларини тадқиқот қилиш натижасида олинган археологик маълумотлар Ўрта Осиё жанубидаги аҳолининг бу ерларни ўзлаштириш ва цивилизация пойдеворини қуриш соҳасида олиб борган курашлари жуда мураккаб бўлганини кўрсатиб турибди.

Металл даври бошланиши билан меҳнат қуролларида руй берган ўзгаришлар, инсоннинг техник қуролларинининг тубдан ўзгариши Ўрта Осиё жанубида дарё воҳаларини ўзлаштириш ва цивилизациянинг қадимги ўчоқлари вужудга келишига сабаб бўлди. Ўрта Осиёнинг жанубида, бронза даврида, милоддан олдинги III минг йиллик ўрталарида шаҳар цивилизацияси белгилари анча сезиларли даражада намоён бўла бошлади.

Цивилизациянинг археологик жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган қўйидаги учта белгисига: аҳолиси 3000 дан ортиқ макон – қишлоқ (шаҳар) йирик диний марказлар ва ёзувга тадқиқотчилар алоҳида эътибор беришди²⁴. Олтинтепадаги турли буюмларда учрайдиган илк Элам ва илк Шумер пиктографик белги–ёзувларига ўхшаб кетадиган белгиларни ҳамда муҳрлардаги арапча ёзувга яқин белгиларни ёзув санъати пайдо бўлаётганлигининг далили деб билсак, унда Ўрта Осиё жанубидаги

Намонгоҳ 5 вақтидаги ёдгорликларни қадимги шарқ тинидаги, шаклланаётган цивилизациянинг ёдгорликлари деб ҳисоблаш керак²⁵. Бу давр илк шаҳарлар шаклланиб вужудга келаётган даврдир. Г. Чайльд «шаҳар революция»сини (шаҳарларнинг вужудга келишини) цивилизация вужудга келишининг муҳим қисми» деб ҳисоблайди²⁶. Маълум бир ижтимоий – иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий ҳодиса бўлган шаҳарнинг шаклланиши узоқ давом этган жараён эканлигини, шаҳардан олдин унинг ўрнида «илк шаҳар» деб айтиш мумкин бўлган, нисбатан йирик макон, тураржой шакли бўлганлигини биламиз (қадимги жамият системасида «шаҳар» тушунчасини аниқлаш ва уни ўрин масаласини ўрганишга кўплаб асарлар бағишланган²⁷.

Илк шаҳарлар қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли яшайдиган воҳаларнинг маркази сифатида вужудга келиб, бу (ердан атрофдаги аҳоли яшайдиган қишлоқ, мақолларга ҳам хўжалик, ҳам сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилинган. Энг дастлабки пайтлардан бошлаб илк шаҳар диний марказ вазифасини ҳам ўтаган²⁸. Ўрта Осиё жанубидаги Намозгоҳтепа, Олтинтепа, Сополтепа сингари археологик ёдгорликлар худди шундай илк шаҳар маданият марказларига бўлишган.

Ўрта Осиё бронза даврининг (илк, ривожланган сўнгги босқичларига оид) қадимги Шарқ типидagi цивилизацияга малсуб ёдгорликлар ҳозир етарли даражада кенг ўрганилган. Улар Ўрта Ослёнинг қуйидаги бешта турли жўғрофий музофатларида жойлашган: 1. Копетдоғнинг тоғ олди минтақасида. 2. Мурғоб воҳасида. 3. Копетдоғнинг ғарбида жойлашган Сумбар дарёси воҳасида. 4. Ўзбекистон жанубидаги Кухитангтов тоғи олдидаги текислик минтақасида. 5. Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги Зарафшон воҳасида. Энеолит ва бронза даврдарига оид Саразм археологик ёдгорлиги қадимги Панжакент шаҳридан 15 км. ғарбда, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидаги иккинчи супа - сатҳда (террасада) шу ном билан аталувчи қишлоқ яқинида жойлашган. Сарзам маконининг жойланиш ва тузилиш ер

юзасининг ҳозирги даврдаги кўринишида (рельефида) ўз ифодасини топмаган 90 дан ортиқ майдонда бир - биридан анча узок масофада катталиги 0,25 га дан 1 гектаргача бўлган, ер юзасидан билинар билинмас кўтарилиб турган тепаларда жойлашган.

2.2§ Саразм хўжалиги ва архитриктураси (деҳқончилик маданиятининг шаклланиши)

Бу макон Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги ўтроқ деҳқончилик маданиятининг энг йирик ва ҳозирча ягона ёдгорлигидир. Макон 1976 йилда очилган. 1977 йилдан бошлаб А. И. Асҳоқов бу ерда доимий қазилар – тадқиқот ишларини олиб бормоқда. У Саразм маданиятининг келиб чиқиши илдизларини Зарафшон воҳасидаги неолит даври ёдгорликларига боғлайди. А. А. Исҳоқовнинг фикрича, бу ернинг аҳолиси энеолит даврида Туркменистоннинг жанубий-шарқий минтақаси аҳолиси билан алоқада бўлган. Уларга геоксюр типидagi бўялган сопол идишлар маданияти анъаналарининг таъсири сезилиб турибди.

Саразм макони моддий маданияти сопол идишларининг шакли ва нақши, болгалари, гардишсимон тарози қадоқ тошлари ҳамда бошқа хил ўзига хосликлари уни узоқ, ҳатто Белужистон ва Сеистон сингари вилоятлардаги ёдгорликлар билан солиштириш имконини беради. Лекин ҳали Саразмнинг ўрта Шарқдаги илк деҳқончилик маданиятлари орасида ўрнини аниқлашга вақт бор, чунки бу ерда тадқиқот ишлари давом этирилиб, ҳар йили янгидан янги кашфиётлар қилиняпти.

Аста-секин макон – қишлоқ қурилишининг ўзига хос томонлари очилиб, унинг қиёфаси аниқлаб борилмоқда. Бу ерда неолит ва бронза даври маҳаллий аҳолисининг юқори даражадаги меъморчилик билимлари ва тажрибалари борлигидан гувоҳлик берувчи умумжамоа учун мўлжалланган қурилишлар; кўча ва кичик кўчалар билан ажратилган квартал маҳаллаларда икки-уч хона ҳамда ховлидан иборат, турар жойлар – уйлар топилган. Ўртасида чуқури бор гардишсимон меҳроблар макон – қишлоқда яшовчи аҳолининг диний қарашлари ва эътиқодлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни беради.

Макон – қишлоқдаги қурилиш горизонтларининг (қатламларининг) жойлашиши асосида олинган маълумотлар асосида А.И.Исҳоқов макон – қишлоқ ҳаётини тўрт даврга бўлади.

Саракзм I – макон – қишлоқнинг вужудга келиш давр. Бу даврда одамлар яшайдиган жой атрофи тўлиқ – девор билан ўраб олинган. Саразм маданияти шакилланиш даври, сўниги энеолит даврига таълуқлидир.

Саразм 2 давирда кўп хонали уйлар, деворларга бўялган расм чизилган, думолоқ ўчоғи – меҳроби бўлган ибодат хона – мукаддас уй пайдо бўлади. Қурилиш тўртбурчак хом ғиштдан фойдалана бошланди. Қора ва кулранг икки томонлама сайқал берилган сопол идишлар биргаликда бўялмаган ёрқин рангдаги сопол идишлардан ҳам фойдаланила бошланади. Саразм 2, Намозгоҳ IV билан бир вақтда мавжуд бўлган бўлиб милоддан олдинги III минг йиликнинг ўрталари ва иккинчи ярмига тўғри келади.

Саразм 3 даврида кўп хонали уйлар сақланиб ховлилар кенгаяди. Тўртбурчак шаклидан меҳробга эга бўлган қурилишлар, омбор вазифасимни ўтавчи, суппалар – платформалар устига қўрилган йирик бинолар пайдо бўлади. Кулранг ва қора сайқал берилган сопол идишлар кескин камайиб, унинг ўрнига, қизил кесакдан тайёрланган ранг берилган ва очиқ рангли идишлар кўпаяди. Метал ва тош буюмлар сони ошиб боради. Саразм 3 даври Намозгоҳ унинг бошланиши вақтига, милоддан олдинги III минг йиллик оғири II минг йиликнинг биринчи ярмига тўғри келади.

Саразм 4 даври макон – қишлоғининг таназзулга юз тутиб бўшаб қолиш давридир. Бу вақтдаги баъзи уйлардан, одамлар яшаётган хоналар билан қўшни хоналарда икки бўлимли (камарали) қулолчилик хумдонлари қурулади. Саразм 4 даврида ним гулоби рангли, чаҳда қилинган сопол идишлар кўплаб ишлаб чиқилган. Идишларни бўяш усуллари соддалашиб, нақшлари эътиборсизлик билан идишларга туширила бошланди. Улар билан биргаликда қўлда ясалган андронova сопол идишлари ҳам учрайди. Макон – қишлоқ моддий маданиятида биринчи март тош туғролар ва сопол босмалар (штамплар) пайдо бўлади. Бу даврининг моддий маданияти

Номозгоҳ V унинг охири ҳамда Номозгоҳ VI даврига, милоддан олдинги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмига тўғри келади.

Қурилиш – меъморчилик ишлари ривожланишини Саразмдаги турар жой ва йирик умумжамоа бинолари мисолида кузатиш мумкин. Маълумки, қурилиш – меъморчилик саъятининг ривожланиш даражаси (макон – қишлоқни) қуришнинг умумий қоидалари, турар жой, хўжалик, диний, сарой қурилиши режалари тузиллишининг ҳал қилиниши жамиятнинг иқтисодий ва маънавий кучлари ривожланиши даражасини кўрсатади. Шу маънода Саразм макон – қишлоғи катта қизиқиш ўйғотади, чунки бу ерда бажарадиган вазифалари, ташқи кўриниш билан биридан фарқ қиладиган уч хилдаги бинолар топилган³⁰. Барча қазиб олинган турар жойлар алоҳида уйларга бўлинади. Ҳар бир уй одамлар яшайдиган 2 – 4та ҳоналар ва 1 – 2та омбор ёки бошқа хўжалик вазифасига мулжалланган бинолардан иборат бўлган³¹.

Одам яшайдиган ҳоналарнинг майдони 6 кв. м. дан 20 кв. метргача боради. Омбор ва хўжалик мақсадида қурилган бошқа бинолар унча катта бўлмасдан, 4 – 6 кв. метрдан ошмайди. А.А. Исҳоқов II қазилма чуқуридан топилган турар–жойлар майдонини ҳисоблаб чиқиб, 4 – 5 кишидан иборат оила 18 – 20 м² майдонли уйда яшаганлигини, ошҳоналар ҳовлида жойлашганлигини учоқларнинг уй олдидаги очик жойларда қурилганлиги билан исботлайди. Одатлар яшайдиган турар жойларни кварталдаҳа, деб ҳам атаса бўлади. Улар бир–биридан ҳовличалар, кўча, кўчача, баъзи ҳолларда долонлар (коридорлар) билан ажратилган. Аҳоли яшайдиган уйларнинг бундай жойланиши қадамги Саразмликларнинг жамоаси патриархал характерда бўлганлидан далолат беради³².

Саразмдаги барча яшаш ҳоналари, деворлари, пол ва ҳатто остоналар сомонли лой билан сувалган. Уйларнинг томи ясси бўлиб бу ҳақда уйлар ичидан топилган лойлардаги қамиш ва бўйра излари гувоҳлик беради. Уйларнинг девори пахса ва гуваладан тикланган. Макон–қишлоқдаги уйлар бир–бири билан кўчалар ҳамда ҳовлилар орқали боғланган. Бу ерда

иккита кўча очилаган Биринчисининг узунлиги 15 м. бўлиб, кенглиги 1,08-2 метрга тенг. Иккичи кўчанинг эни 1,05 м., узунлиги 16 метр келади. Иккинчи кўчанинг охирида кўча юзасига қайроқтошлар зич тўшалган.

Биолар орасида 12 хонали улуғвор бино, айниқса, диққатни ўзига тортади. Хоналар ҳар қаторда тўрттадан қилиб ёндош (параллел) мувозий қаторларда қурилган. Хоналар симметрик жойлашган бўлиб, 4-та хона 3х3 метр катталиқда, қолганлари эса 3х3,75 метр катталиқдадир. Ҳамма хоналар долонлар (коридорлар) орасига жойлашган. Хоналарнинг бир – бирига ўтиш жойлари (эшик ўринлари) бир тўғри чизикда жойлашган бўлиб. Улар орқали марказий хонадан туриб, ўртасида ўчоқ чуқурчаси топилган, ибодат қилиш учун мўлжалланган муқаддас хонани кўриш мумкин.

III археологик қазишма чуқуридан топилган бу бино ҳам ғиштдан қурилган. Хоналар ўртасидаги эшикларнинг ўринларидан 20 - 25 см. баландликдаги тупроқдан кўтарилиб, лой сувалган остоналар топилган. Бинони қазиш пайтида у баландлиги 0,75 метрлик 15х15 метрли супа устига қурилганлиги аниқланди. Бино қурилган вақт милoddан олдинги III минг йилликнинг охириги чорагига, ривожланган бронза даврига тўғри келади. Бу даврда қадимги дехкончилик маданиятлари ёдгорликларида ҳашаматли биолар қуриш кенг тарқалган эди.

Қазиш ишларини амалга оширган А.И. Исҳоқов Саразмдан ҳашаматли биоларнинг топишиш ёдгорликларни илк шаҳарлар қаторига

қушиш имконини беради деб ҳисоблайди. III қазув участкасидан топилган бино жамоат биноси бўлган бўлса керак. Ҳамма томонлари ёпиқ учта долон (коридор) қандайдир жамоа бирлашмасига тааллуқли дон ва бошқа захираларни сақлаш учун, хоналар эса бинони қуриқловчи одамлар яшаши учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

Саразмдан топилган гардишсимон меҳробли оилавий ибодатхона бу ёдгорликда бутун жамоага тегишли диний марказ-ибодатхона

бўлганлигини тахмин қилишга асос беради. Ибодатхона IV қазилма чуқуридан иккинчи ва учинчи қурилиш горизонти сатҳларидан топилган. Бу ердан учта диний мақсадларга мўлжаллаб қурилган бино қолдиқлари топилган. Бу бинолардан бири 1-5. иккинчиси 6-9 хонадан иборат Биринчи бинонинг уч томони: ғарб, шимол ва шарқ томонлари очиқ ўрганилган бўлиб, майдони 200 кв. м. дан кўпроқдир.

Деворлар ташқи томондан кенглиги 25 см, қалинлиги 30 смли бир томони девордан чиқибтурган тўртбурчак устинлар билан мустахкамланган. Деворларнинг қалинлиги 0,75 метр бўлган. Бу бинода бошқалардан ажратиб, алоҳида қурилган хоналар йўқ. Бешта хонанинг барчаси турлича катталиклардир. Бу хоналардан, айниқса, бешинчи хона диққатни ўзига жалб қилади. Бу хонада 15 см. баландликда 1,25 метр диаметрга эга. бўлган думалоқ, меҳроб бўлиб, меҳробнинг ўртасида чуқурлиги. 25 см., диаметри 25 смли ўчоқ жойлашган. Бу меҳроб Саразидан топилган меҳроблар орасида энг каттадир.

Бино нима мақсадда қурилганлиги шубҳа уйғотмайди. У жамоат фойдаланиши учун қурилган бўлиб, диний мақсадларда ишлатилган бўлса керак. Бинони қазиб ўрганиш ишлари ҳали тугамаган Ҳали бинининг режаси, хоналарнинг жойланишни узил кесил аниқланмаган бинода хизмат қилувчи одамларнинг яшаш хоналари топилмаган. Олтитападаги диний марказ – ибодатхонани қазилма ишлари пайтида ҳашаматли минора атрофидан ўчоқлари, ҳовлилари билан яшаш ва хўжалик мақсадлари учун қурилган хоналар ҳам топилган³⁴. Эҳтимол, кейинчалик Саразамдан ҳам худди шундай хоналар топилса керак.

Саразм макони сўнгги энеолит давридаёқ қадимги Зарафшон воҳсининг деҳқончилик маркази бўлганлиги яққол кўриниб турибди. II қазилмадан топишган турар жойлар ва IV қазилмадан топилган иккита диний мақсадлар учун қурилган бинолар энеолит давридаёқ бу жойда зич жойлашган бир гурҳ кишлоқ –маконлар бўлганлигининг тахмин қилишга имкон беради. Бу қилшлоқ – маконларнинг хра қайсиси ҳаммаси

бирганликда уруғ қадила итифоқига керак. Ўхшаша йирик бирлашма жамоаларга айланган бўлса Саразм I давридаги бир хонали биноларининг Саразм II даврида бир-бирига қўмшилиб кетган, кўп хонали яхлит яшаш жойини ташкил қилувчи биноларга алмашилиши II қазишмада - археологик тадқиқотларида кузатилади.

Дастлаб алоҳида – алоҳида бўлган бу бинолар кейинчалик хужалик бинолари, диний мақсадлар учун қурилган бинолар билан биргаликда бир – бирига қўшилиб яхлит, ягона турар жойини ташкил қилади. Ҳар бир уй, ҳовлига ёки чиқинди жойига эга бўлиб, бу ҳол ҳар бир яхлит унда бир ката оиладан иборат жамоа яшаганлигидан далолат беради.

IV қазишманинг A I қурлиш босқичи горизонт сатҳидан, бир-бирига яқни жоллашган иккита ибодатхонанинг топилиши саразликларининг ҳар бири 4 – 5 хонадан иборат. Энг йирик хонанинг ўртасида олов ёқиш учун мўлжалланган думалок, шакилдаги ўчоқ – меҳроб жойлашган.

Гардишсимон меҳробларининг жойланишини ўрганиш қадимги Саразм оўдамлари даслаб, илк босқичларда аҳолида партиархал оилаларга тегишли бўлган уйларнинг ўзида, диний мақсадлар учун қурилган хоналарда сиғинганликларинини кўрсатади. Кейинги босқичларда Саразм умумжамоа аҳамиятга эга бўлган диний мақсад учун мўлжаллаб қурилга бинолар – иборатхоналар пайдо бўладию Юқорида айтиб ўтганимиздек, Саразм макони ўзининг яшаш даврининг охириги босқичларида жуда катта, 100 тадан ортиқ майдонни эгалланган. Қазиш пайтидан олинган маълумотларга кўра Саразм ўзининг яшаш вақтининг тўрт даври давомида қурилган ва қайта қурилган. Ҳари бир даврда маконнинг қандай бир қисмида янги қурилишлар пайдо бўлган.

Саразм қурилишлари алоҳида – алоҳида жойлашган кўп хонали, яхлит бинолар, шунингдек ибодатхона ва жамоа биноларидан иборатдир. Буяхлит бинолар орасида 1 – гектардан 50 гектаргача бўлган бўш

майдонлар жойлашган. Бу майдонлар яйлов, боғ, экин майдонлари бўлган бўлишимумкин. Архалогик маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё ва Яқин Шрақ мамлакатларида Саразм сингари йирик ёдгорликлар кам бўлмаган. Масалан, Намохгоҳ 70 гектар Олтинтепа – 46 гектар, Улуғтепа 40 гектар майдонни эгаллаган (Аванесова, 1989, 24 – 29 бетлар).

IV қазишмадаги диний марказларни тадқиқот қилиш пайтида диаметри метр бўлган, тошдан қилинган айлана тўсик билан ўралган мазор топилди. Тўсик юмалоқ дарё тошларидан тур қатор қилиб терибчиқилган. Тўсикнинг ичида, жанубий – ғарбий қисмида иккита қабр топилди.

Биринчи қабир шимолий ғарбидан жанубий – шарққа чўзилган бўлиб катталиги 1,20 0,80 метрдир. Қабр ичидан, 1,35 метр чуқурликда боши жанубий шарққа каратиб, чап ёнбошига букчайтириб қўмилган 6—7 ёшли боланинг жасади қолдиқлари топилган. Унинг кўкрагидан 200 дан ошиқ майда ложувард минчоқ, тиклан «кўкрак-пеш» (кўкрак фартуги) топилган. Шу ерининг ўзидан 12 та йирик ложувард минчоқ, ва цилиндр шаклидаги 22 та кумуш минчоқ топилган. Қабрдан безаклардан бошқа топилма чиқмади.

Иккинчи қабр шимолий – шарқдан жанубий – ғарбга чўзилган бўлиб, тухумсимон чизиқ айлана шаклли, қабр катталиги 160x140 см. дир. Қабр чуқури ишидан, 145 см.чуқурликда, чуқурнинг марказида мархумнинг қисмларга бўлинган жасадининг тозаланган суяклари бир уюм қилиб қўйилган. Мархум билан бирга кўмиладиган буюмлар қабрдан топилган.

Маконнинг бошқа жойлари ва қурилиш горизонтларидан қабирларнинг топилгани Саразм аҳолиси маҳрумларни яшаш жойларидан ташқарида дафн қилганликларидан далолат беради. Айлана тош тўсик ичидаги қабрлар Саразм I даврига оид бўлиб, у ҳали охиригача тадқиқ қилинмаган.

Моддий маданият буюмлари таърифига келсак, маълумки, улар орасида асосий ва етакчи ўринни кулолчилик буюмлари эгаллайди. Унинг бошқа топилма турларидан устинлиги шундаки, сопол буюмлари барча маданий

катламларининг ҳамма жойларида учрайди ва ёдгорликларни гуруҳлаш, тасниф қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Саразм I ва II босқичларининг сопол буюмлари сўнгги энеолит даврига таъаллуқлидир. Улар орасида тўрт хил турдаги идишлар бор. 1. Кўп хол (уч хил) рангга бўйланган идишлар. 2. Ягона рангга бўйланган идишлар. 3. Сопол оқ счалиқ, гулоби рангда бўлиб, ёрқин ангоб берилган (сирлаш) рангланмаган идишлар. 4. Кул ранг ва қора рангли қайқал берилган идишлар. Сопол идишларнинг бу асосий гуруҳларидан ташқари оз сонли сополи тўқ қизил ва оч яшил рангли идишлар ҳам учраб туради. Бўйланган сопол идишларнинг бир қисми кулолчилик чархда ясалган бўлганда, асосий қисми кўлда тайёрланган. Кўлда тайёрланган идишлар оҳак тош ва сувга силлиқланган қайроқтошнинг майда парчалари аралашган қоришмадан тайёрланган.

Кўлда тайёрланган сопол идишлар: коса, товоқ, қадахлар ўзининг яхши тайёрлагани билан ажралиб туради. Улар юпқа сополдан тайёрланган. Яхшилаб майдаланган ва эланган қоришмадан тайёрланган идишга икки тошонлама ангоб ва сайқал бериш сопол идишга чиройли кўрниш бирига ўхшаш.

Кулолчилик чархи ишлаб чиқаришади. Чархдаова кўлда тайёрланган идишларнинг шакллари унимдорлигини ошириб, сопол буюмларнинг сонини кескин оширишига имкон беради. Чарх кулолга сопол идишларнинг янги лаби, мураккаб шаклли турларни яратишга имконият берди. Шунга қарамадан чархда тайёрланган идишлар кўлда ясалган идишларни тўлиқ сиқиб чиқилмага. Саразмнинг энеолит даври сопол буюмлари ғоят турли – туманлиги билан ажралиб туради.

Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги шу хилдаги ёдорликлардан топилган идиш турларининг деярли барчаси Саразмда учрайди. Саразмда яшовчи аҳоли Ўрта Осиёнинг бепоён шимолий қисмидаги, жумладан Зарафшон воҳасидаги дашт бронза маданиятлари эгаси бўлган қадимий қабилалар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, улар билан мустақам алоқада бўлишган.

Бу ҳақда Саразмдан топилган таги тухумсимон учли, идишнинг юқори қисмига босма усулда геометрик шаклли безак берилган.

Саразм III ва IV нинг сопол идишлари уч гуруҳга: биринчиси – асосан монокром (бир хил рангга) бўялган; иккинчиси – сополи оч сариқ ранг гулоби рангли; учинчиси – кулранг қоршимадан тайёрланган, қора сир берилган идишларга бўлинади. Сўнгги гуруҳга андронава сопол идишларининг иккита бўлаги ҳам киритилган. Илк ва ривожланган бронза даврида Саразмда учрайдиган бўялган сопол идишларининг хилларини ўрганиш, Саразм III даврига полихром (кўп ранг) бўялган идишлар сони кескин камайишини кўрсатади. Уларнинг ўрнини тўғри горизонтал ва тўлқинсимон нақшли олдинроқ ясалган идишлар эгалайди.

Сопол идишларда геометрик шакллар: ромб учбурчак, шахмат тахтасимон шакли нақишлар учраб, бронза асрининг, кейинги икки даврида у асосий, етакчи нақишга айланади. Бу давирга келиб Саразмда сопол идишларни бўяшнинг ўз усули шакланади.

Жанубий Туркманистон нақишларига бўлган арра тишсимон ва хочсимон шакллар билан бирганликда Саразм Нақишларида ярим доира равоқ ҳамда унга ёпишиб турган учбурчак шакллари ҳам пайдо бўлади. Бу нақшлар Мундигаг 2 ва Ҳинд воҳасидаги қатор ёдгорликларнинг нақишларига ўхшайди ҳамда Саразм маданиятининг Белужистон маданиятларига яқинлигини кўрсатади³⁵.

Саразм IV даврига келиб бўялган сопол идишлар сони кескин камаяди. Саразмнинг бўялган сопол идишларини таърифлашда идишларнинг шакллари ҳам эътибор бериш лозим. Саразм III даврида идишларнинг 6 хил шаклдагилари: шарсимон, ярим шарсимон, пастки қисмида кескин бўкилган банкасимон, ярим цилиндр шаклидаги идишлар ҳамда оғзи кенг косалар бўёқ берилиб безалган. Саразм III ва IV даврларида кул ранг ва оқиш сополдан ясалган 9 хилдаги бўялмаган сопол идишлари турлари бўлган.

Сопол идишларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, илк ва ривожланган бронза даврида Саразм маконида сопол идишларнинг турлари ҳамда идишларнинг умумий сони кўпаяди. Бу, кулолчиликнинг ривожланганлигини кўрсатади. Шунга қарамасдан, бу даврда ҳали қўлда ясалган сопол идишлар кўнчаликни ташкил қилган. Хум, қозон ва хумчалар миқдорининг ошиши кузатилади. Андронova сопол идишларига оид иккита сопол парчаси ҳам шу даврга оид қатламда топилган. Бу сопол парчалари милоддан олдинги II минг йиллик ўрталаридан бошлаб Урта Осиё деҳқончилик воҳалари билан дашт бронза маданиятлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилганидан далолат беради.

Шундай қилиб, илк ва ривожланган бронза даври сопол идишлари сўнги энеолит давридагидан икки хил бўлиб, бўялган ва бўялмаган сопол идишлардан иборат бўлган. Ўз навбатида бўялган сопол идишлар полихром ва монохром сопол идишларига, бўялмаган сополо идишлар эса гулоби ранг ва оч сариқ ангоб берилган оқиш сополдан ясалган идишларга ҳамда баъзан қора ангоб берилган кул ранг сополдан ясалган идишларга бўлинган. Олдин кенг тарқалган сополга сайқал бериш усули бу даврга келиб йўқолади. Сопол ишлаб чиқарида хумдон ва кулолчилик чархининг қўлланила бошланишини бу соҳада бўлган катта ўзгариш деб ҳисобласа бўлади. Учта археологик қизишма чуқурларидан ўртта кулолчилик хумдонлари топилди. Уларнинг тузилиши бир хилда бўлиб (икки камерали) фақат кўра ва ишширувчи камера ҳажмлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Милоддан олдинги III минг йиллик охирида, илк бронза даврида Саразмда кулолчилик чархи пайдо бўлганлиги бу ердан топилган чархни айлантирувчи ўқнинг пастки қисми топилганлиги билан тасдиқланади. Макондан бундай ўқлардан иккита топилган. Бу топилмалар диаметри 15 – 22 см. бўлган, ўртасида чуқурчаси бўлган дўмалок ва ялпок тонг ўқи ўрнатилган.

Чуқурча ичида сақланиб қолган ҳалқасимон чизиклар чарх ўқлари бу чуқурчаларда ўзоқ вақт айланиб ишлаганидан далолат беради. ишлаганида далолат беради. Шунинг эътиборга олиш керак деҳқончилик маконларидан тўлалигича кулолчилик чархи раққи, археологик тадқиқотлар жараёнида бирон-бир илк топилмаган бўлиб, бу чархни этнографик маълумотлар асосидагина тасаввур қилиш мумкин. Улардан иборат бўлиб, унинг ўртасидаги чуқурчаларига чарх Саразм I ва II давларига оид сопол ва тош буюмлар турли тумандир.

Сополдан қилинган буюмлар, орасида камон ўқини тўғриловчи буюмлар, донхўрақлар, ўчоқ тагликлари, I даврга оиддир. У хипча бел, тўлиқ оёқлари букулган, гурзи сои бошлари, ҳайкалча учрайди. Ҳайкалча Саразм қўллари йўқ, ўткир учли конуссимон кўкраклари керилган, боши куш бошига ўхшайдиган аёлни тасвирлайди.

Саразмдан топилган ҳайкалча жанубий Туркменистондаги геоксюр воҳасидан топилган ҳайкалчаларга ўхшайди (Сарианиди, 1961) Тош буюмлар орасида ўғирдасталарин (келисоплар), ўғирлар (ҳавончалар) эшик ёки кулолчилик чархи ўқлари қўйиладиган тагликлар, тош таёқчалар, думалоқ тош ядролар, палахмон тошлари, ушатгич қуроллар учрайди. Айниқса, тарози қадоқтошларнинг топилиши муҳим аҳамиятга эга. Қадоқ тошлар орасида ҳаммадан кўп гардишсимон шаклдагилари учрайди. Қадоқ тошларнинг оғирлиги 12 кгдан. 26 кггача боради.

Саразм III ва IV даврининг сопол буюмлари, асосан, урчук гурзи сопи бошлари ва вотив (диний мақсадларга фойдаланадиган бирор бир буюмнинг жуда майда нусхалари) идишлардан иборат. Бу анъанавий топилмалар орасида сопол идишларга нақш бериш учун ясалган, муҳр тасвирланган сопол қолип – алоҳида ажралиб туради. Бу топилма, эҳтимол, милoddан олдинги III — II минг йилликлар сарҳадида Саразм жамияти ижтимоий табақаларга бўлина бошлангани ҳақида гувоҳлик беради.

Саразм III ва IV даврларида тошга ишлов бериш юксак санъат даражасига кўтарилади. Айниқса, ҳокимият белгиси бўлган хасса – таёкчалар ва гурзи сопларининг соққасимон ва конуссимон бошлари эътиборга сазовордир. Кўплаб тош идиш бўлакларининг топилиши рўғзорда тош идишлар, айниқса, косачаларнинг кўплаб ишлатилгани хақида гувоҳлик беради. Саразмдан оёқ кийим тамёрлашда ишлатиладитан тошдан тайёрланган шона-қолиплар ҳам топилиб, улар ҳам тадқиқотчилар учун маълум қимматга эгадир.

Саразм маданиятининг охириги босқичларида ҳам ушатқич қуроллар, ёрғичоқ тошлари, қадок тошлар, сополга сайқал беришда ишлатиладиган тош қуроллар ишлатилган ва улар давр қатламидан кўплаб топилади.

Саразм IV даврига оид қатламдан кўплаб палаҳмон ва сопқон тошлари топилган. У ўша давр деҳқончилик воҳалари аҳолисининг яроқ аслаҳалари орасида асосий қуроллардан бири деб тан олинган. Бу тошлар 50 граммдан 1 кггача оғирликда бўлиб, турлича катталиқдадир. Уларнинг кўпи думалоқ соққа шаклида бўлиб, баъзан тухумсимон – овал шаклдагилари ҳам учрайди.

Саразмда – кейинги босқичларда ҳам чоқмоқтошдан қилинган ром ва бодомсимон шаклдаги ўқ-ёй учлари ишлатилиб келинган. Саразмнинг илк босқичларида эса пичоқсимон парраҳалар, ўрок, учун ишлатиладиган тош қадама қуроллар ҳам учрайди.

Умуман олганда, тош буюмларни ўрганиш шуни кўрсатадики, тош қуроллар ҳар бир хўжалик ва ишлаб чиқариш йўналишларининг эҳтиёжлари ҳамда заруриятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Масалан, овчилар учун турли – хилдаги чақмотош ўқ-ёй учлари деҳқонлар учун эса турли хил ёрғучоқ, ўғир (ҳавонча), ўғир дастаси (келисоп), ўроқлар учун қадама тошлар кўп миқдорда тайёрланган.

Сопол идитлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сайқал берунчи, силиқловчи қуроллар, ранг тайёрлашда зарур бўлган тошдан қилинган руда майдалагич, оғир – даста, оғир тош болғалар ҳам макондан топилган.

Пойафзал тайёрловчилар, тўқувчилар ҳам тош қуроллардан фойдаланишган. Пойафзал қолиплари урчуклар, тўғнағич учлари ва тугмалар тош буюмларнинг турли соҳаларда кенг ишлатилганидан дарак беради. Тош қуроллардан қурувчилар ҳам кенг фойдаланишган. Сувоқ ишларида бир томони силлиқ, андавага ўхшаш тош қуроллардан фойдаланишган. Эшикнинг очилиб – ёпилиши учун хизмат қиладиган, остонага қўйиладиган ўртаси чуқур тошлар ҳам учранди.

Саразмдан топилган тош буюмларнинг яна бир гуруҳини мунчоқлар, бўйинга тақиладиган тақинчоқ, туморлардан иборат безак буюмлари ташкил қилади. Улар ложувард, феруза, ақиқ, яшма, халцедон, оникс, сердоликдан ясалган. Лекин қанақа қурол билан бу қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар силлиқланиб, тешилиб, ишлов берилгани ҳозирча аниқ эмас. Лекин бу безакларнинг тайёрланиши сифати Саразмда заргарчилик санъати юксак даражада бўлганлигидан дарак беради.

Металл буюмлар мис ва бронзадан тайёрланган. Саразм I ва II даврларида ҳали металл буюмлар унча кўп бўлмаган. Бу даврга оид қўш тиғли пичок, ханжар, найза учи, турнағич, кесими ромб ва тўртбурчак бўлган иккига – бигиз топилган. Уларнинг ҳаммаси сўнгги энеолит даврига оид, Ўрта Осиё ёдгорликларидан топилган топилмаларга ўхшашдир.

Саразм III ва IV даирларида металл буюмлар сони кўпаяди. Саразм ўртаси қиррали, икки томонга нишоб эга бўлган ханжарлар, найза учлари, устара, думолоқ, кўзгу билакузуклар, 12 гурбаргли олтин безак топилган. Металлга ишлов беришнинг ривожланганлигига маданий қатлами аниқланмаган 2 та болта – лойтешани ҳам мосил қилиб кўрсатиш мумкун.

Саразм IV даврида бронза эритиб қўйиш ишлари ривожланиб металл буюмлар сони ошиб боради. Металл эритиш ва буюм танёрлаш ишлари маконда амалга оширилгани металл эритишга мўлжалланган ўтга чидамли гилдан қилинган идишлар-тигеллар, шунингдек эритилган металлдан буюм ясашга мўлжалланган очиқ шаклли қолип бўлаклари ҳам

кўрсатиб турибди. Бунга рудани майдалаб эритишга тайёрлашда муҳим ўрин тутган, оғирлиги 6 кгдан 17 кггача бўлган ўғир дастакели соплар топилганлиги ҳам тасдиқлайди. II археологик қазилманинг учинчи ва тўртинчи горизонтларидан топилган металл эритувчи кўралар ҳам худди шундай аҳамитга эга.

Саразм қадимги металлургия маркази бўлганлиги учун бу ер аҳолисига мис, қалай, маргумуш, кўрғошин рудалар қазиб олинadиган жойлар жуда зарур бўлган. Худди шу рудалар Зиятдин ва Зирабулоқ тоғларида, шунингдек Зарафшон воҳасининг жанубидаги Қарнабда учрайди³⁶. Шундай қилиб Саразмликлар бронза тайёрлаш учун зарур бўлган маъданларини ўзлари яшайдиган жойдан унча узоқ бўлмаган ерлардан қазиб олишган. Эхтимол, шу сабабдам ҳам Саразм сўнгги энеолит давридан бошлаб мис ва бронза буюмлар ишлаб чиқарувчи металлургия марказларидан бирига айлангандир.

Бронза буюмларининг Саразмда, жуда кўп микдорда топилиши, бу ерда маълум микдорда олтин ва кумуш буюмларнинг учраши металл буюмларнинг фақат маҳалий аҳоли эҳтиёжи учун эмас, балки савдо ва алмаштириш учун ҳам ишлаб чиқилганлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Археологик топилмаларнинг жойланиши айниқса сопол, метали ва тош буюмларнинг кўп сонлилиги уларнинг махсус устахоналарда тайёрланганлигини кўрсатади. Асосий озиқа манбаи сифатида жамият иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрнини деҳқончилик эгаллаган. Арпа ва буғдой ҳам етиштирган бўлсалар керак. Хом ғишт ва сувоқ лой бўлакларидан топилган донли экинларнинг сомонлари, шунингдек том ёпишда ишлатилган лойда қолган излари деҳқончиликнинг Саразмда асосий хўжалик соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Саразмдан топилган, деҳқончилик қуролларнинг таҳлили, бу қуролларнинг жуда секин такомиллашиб борганлигини кўрсатади. Ривожланган бронза даврида ҳам сўнгги энеолит давридаги сингари ўроқ учун мўлжалланган қадама тош қуроллар, ёрғучоқлар, ўғир ва ўғир

дасталар ишлатилган. Зарафшон воҳасининг юқори қисми табиий муҳити бу ерда деҳқончиликнинг икки усулини: лалми ва суғориладиган деҳқончиликни қўллашга имкон берган. Ҳозирча Саразм ва унинг атрофдаги суғориш қурилмалари текширилмаган. Этнографик маълумотлар Ўрта Осиё халқлари деҳқончилигида суғорилган деҳқончилик билан бир қаторда ёмғир, сув тошқинларига асосланган зироатчилик ҳам муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Эҳтимол, Саразмда лалмикор ва сув тошқинларига асосланган деҳқончилик асосий ўрин тутган ва бу ердаги аҳоли эҳтиёжларини тўлалигича қондирган.

Деҳқончилик ривожланганлигини кўрсатувчи белгилардан бири дон сақладиган омборларнинг ҳажмидир. Саразмдан қазиб олинган. ғишдан қилинган супа устига қурилган биноси қазилар ишларини олиб борган археологлар бу бинони ижтимоий характердаги бино, жамоанинг умумий дон сақладиган омбори деб ҳисоблашади (Исҳоқов, 1991, 128 бет). Донни сақлаш учун диний марказ бўлган ҳашаматли бино ичида учта долонсимон (коридорсимон) хона қурилган бўлиб, уларнинг катталиги 11+1,10 м; 11 + 1,05 м; 12,75X1,25 метрдир. Дон сақланувчи бу хоналарнинг умумий майдони 36,6 кв. м. бўлиб, агар биноларнинг баландлиги 2 метр бўлган бўлса, омбор ҳажми 79-80 м² бўлади. Бир куб метрда 750-800 кг дон сақланишини ҳисобга олсак, омборда 50-60 тоннагача дон сақлаш мумкин бўлган. Гарчи бу ҳисоблар тахминий бўлса ҳам, у Саразмда деҳқончиликнинг ҳал қилувчи ўрин эгаллаганлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Саразм иқтисодиёти ва ҳўжалиёгида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Деҳқончилик маданиятларида чорва моллари одамларни сут. мой, гўшт билан таъминлашдан ташқари ишчи кучи си-фатида ҳам қўлланилган. Ерни ҳайдаш ва ишлов беришда қорамоллар омовларни тортувчи куч сифатида ишлатилган. .

Ҳали пахта, зиғир сингари ўсимликлар маданиятлашрилмаган, ипак тўқиш маълум бўлмаган ўша даврда кийимлар, асосан, жундан ва қисман

теридан тайёрланган. Ҳаёт учун зарур бўлган бу нарсаларнинг ҳаммаси майда ва йирик қорамолдан олинган. Шунинг учун хўжаликда чорвачиликнинг тутган ўрни тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтирмасдан, Саразмда деҳқончилик маданияти чорвачилик билан биргаликда ривожланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Маданий қатламлардан топилган чорва молларининг суяклари саразмликлар ҳаётида чорвачиликнинг муҳим ўрин тутганлигин кўрсатади. Уй чорвачилигининг хўжаликдаги ўрни муҳим бўлсада, лекин аҳолини гўшт билан таъминлашда ёввойи ҳайвон ва қушларни ов қилиш ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Балиқ тутувчи қармоқларнинг топилиши саразмликларнинг балиқчилик билан ҳам шуғулланганликларини кўрсатади.

Шундай қилиб, деҳқончилик – чорвачилик хўжалиги ривожланиши муносабати билан рўй берган ўзгаришлар ҳунарман – дчиликлнинг тез ривожланишга сабаб бўлди. Кўп сонли, турли-туман меҳнат қуроллари, маиший, маданий ва хўжалик буюмчари, хумдан ва металлга ишлов берувчи қуроallar буларнинг ҳаммаси меҳнат тақсимооти рўй берганлигидан далолат беради. Маълумки, ихтисослашган ишлаб чиқариш қўшмча маҳсулот ва товар хўжалиги шаклланишига асос бўлиб хизмат қилинади.

Саразм маданиятининг келиб чиқиши (генезиси). Саразм маданияти топилмаларини тадқиқ қилиш ҳамда унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш, бу маданиятнинг Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасидаги илк деҳқончилик маданиятлари ёдгорликлари орасида муносиб ўрин эгаллашини кўрсатади. Ўша даврда Саразмда яшаган аҳоли қадимги шарқ маданиятининг марказлари билан қадимдан, ўз маданиятларининг илк босқичларидан бошлаб мустаҳкам алоқада бўлганлар. Саразм маданияти шаклланаётган илк босқичлари бу алоқалар орасида ҳал қилувчи ўринни Жанубий Туркманстон ёдгорликлари била бўлган муносабатлар эгаллаган.

Саразм маконининг қуйи икки қатламидан топилган Намозгоҳ III ва Геоксюр I сопол идишларига ўхшовчи сопол идишларига ўхшовчи сопол идишлар ва моддий маданиятнинг бошқа ҳилдаги топилмаларни Саразм маданиятининг шаклланишида Жанубий Туркменистон ёдгорликлари алоҳида ўрин тутганлиги аниқ кўрсатиб турибди³⁷. Саразм маданиятининг шаклланишини Сазагон неолит маданиятига боғлиқ бўлганлигини ҳам тахмин қилиш мумкин.

Саразмнинг илк энеолит босқичига оид комплексларидан топилган баъзи сопол идишларнинг Сазагон II на Жангал I манзилгоҳи сопол идишларига, шунингдек иккала маданиятга талукли баъзи бир хил тош буюларнинг бир-бирига ўхшашлиги Саразм энеолит босқичига оид комплекслар шаклланишида Сазагон неолит маданияти ҳам маълум даражада иштирок этганлигини фараз (тахмин) қилишга имкон беради³⁸.

Саразмнинг илк қатламларини ўрганиш мақсадида олиб борилган археологик қазилмалар одамларнинг маконда Саразм I даврида бошлаб яшай бошлаганликларини кўрсатади. Бу даврда макон атрофи ташқари тўсиқ билан айлантириб олиниб, бу тўсиқ ичида одамлар яшайдиган турар жойлар қурилган, қабристон пайдо бўлди. Саразм маконининг қолган жойлари бу даврда ўзлаштирилганлигида, у ерда одамлар яшаганлиги тўғрисидаги саволларга келгусида тадқиқотлар жавоб беради.

Саразм II даврида макон уй-жойларнинг бир-бирига нисбатан жойнаниши, макон уй-жойларнинг бир – бирига нисбатин жойларнинг умумий режаланиши Туркменистон жанубидаги Геоксюр воҳосида жойлашган Чонг-тепо ёдгорликларида Сарпанида, 1976, 9 бет, шунингдек Намозгоҳ III даврига оид бошқа ёдгорликлар Олтинтепа, Қораултепадаги уларнинг умумий режаланишига жуда ўхшайди. Бу ўхшашлик, айниқса, Саразм ва Геоксюрда топилган, ўртасида чуқурчаси бор айлана меҳроблар мисолида намоён бўлади.

Саразм ва Жанубий Туркменистондаги маданиятларнинг алоқадорини меъморчиликдан ташқари сопол идишлар ва моддий маданият

буюмларининг бошқа хиллари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Саразм маданияти илк босқичларининг сопол идишлари шакллари билан ҳам, идишларга чиқазилган расимлари билан ҳам, расм мавзулари билан ҳам Геоксюр воҳаси сопол идишларига айнан ўхшаб кетади. Бўялган сопол идишлар Саразмга дастлаб идишларининг сирти, Геоксюрдаги сингари узлуксиз расм солиб безалган. Саразм идишларига туширилган хоч, ярим хоч, ромб, учбурчак, чизикли геометрик безак, жимжимадор турли айлана лавҳа шакллар Геоксюр баъдий мактаби асарларини эслатади³⁹. Шундай қилиб, Саразмда бўялган сопол идишларни яшаш ва безаш анъаналари Геоксюр анъаналари асосида шаклланган.

Геоксюр маданиятининг шарқ томонга тарқалганлиги тўғрисида Намозгоҳ 5 даврида Тажан дарёси атрофидаги ерларда ва Мурғов дарёси дельтасида шухилдаги маконларнинг пайдо бўлиши гувоҳлик беради⁴⁰. Геоксюр маданиятининг тарқатувчилар кейинчалик, эҳтимол, Зарафшон воҳасига кириб келиб, Саразмга асос солишган. Бу илмий фаразнинг тўғрилигининг Зарафшон воҳасининг ясон - тоғлар ва водийлардан иборат қирлари билан Копеттоғнинг тоғолди минтақаси тибий шароитларнинг ўхшаш лиги ҳам билвосита тасдиқланади.

Саразмда сўнгги энеолит даврига оид қатламдан маконининг Геоксюр воҳасидан ташқари бошқа жойлар билан ҳам алоқалари мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи турли хил буюмлар топилган. Худди шу хилдаги буюмлар Афғонистоннинг жанубилдаги Мундигак, Белужистондаги Чегара ва Эрондаги Шаҳар - Сўхта, Тепа-сиалик, Тепа-Ҳисор, Тюрениг-тепа сингари илк деҳқон-чилик маданиятлари ёдгорликларидан топилган. Бу ёдгорликлардан топилган. Бу ёдгорликлардан топишган сопол идишлар, металл ва тош буюмлар, қурилиш турлари Саразм модий маданиятида ҳам учрайди.

Саразм маданиятининг бир томонидан Зарафшон воҳаси неолит маданиятларининг тадрижий, узлуксиз ривожланиши, иккичи томонидан Геоксюр энеолит маданиятини тарқатувчиларнинг Зарафшон воҳасига

кириб келиши натижасида шаклланганлиги аниқ бўлсада, миллоддан олдинги II минг йиллик бошларида маконда рўй берган ўзгаришлар изоҳланмаган.

Макон ҳаёти тугаётган даврда нима сабабдан ҳашаматли биноларнинг йўқ бўлганлигини, уй-жой қурилиши сифатининг пасайганлигини ахлоқ томонидан бир қарор тураржом даҳаларининг (массив) ташлаб кетганлигини, вақтинча яшашга мўлжалланган уй-жойларнинг пайдо бўлганлигини изоҳлаш қийин. Айни пайтда металл ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш даражаси анча юқори бўлган. Моддий маданиятнинг жадал, тез ривожланиши ҳамда қурилишнинг таназзулга юз тутиши – бир – бирига яққол қарама – қарши бўлган бу икки ҳолат маконда миллоддан олдинги II минг йиллик бошларида ҳаёт тўхташи сабабларини аниқлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ (Исҳоқов, 1991, 118 бет).

Шуни эътиборга олиш керакки, бундай таназзул фақат Саразмдагина рўй бермаган. Айни шу пайтда Урта Шарқ, жумладан Урта Осиёдаги Олтиктепа, Намозгоҳтепа, Шаҳри-сўхта ва бошқа йирик илк деҳқончилик марказлари ҳам инқирозга учраган.

Ўрта Осиё деҳқончилик марказларнинг тушунлиқка учрашини одатда тадқиқотчилар ўша вақтда бу мунтақага шимолдан чорвачилик қабилалари кириб келиши билан изоҳлашади. (Бу масалага бағишланган адабиётлар ҳақида қаранг: Аванесова, 1989). Бу қабилалар миллоддан олдинги III миғ йиллик охиридан то миллоддан олдинги II минг йиллик ўрталаригача аста-секин Орол денгизидан Тянь-Шан тоғларигача силжиб, ўз маданиятларини тарқатиб бордилар. Бу силжиш жараёнида маҳаллий деҳқончилик ва шимолдан келган чорвачиликнинг бир-бирнга, ўзаро таъсирлари бўлган албатта. Саразм маданияти бошқа соҳаларининг ривожланишига чорвадорларнинг келиши, эҳтимол, ғоятда салбий таъсир кўрсатган. Мана шу нуқтаи – назардан қараганда, Саразмдан ва юқорида эслаб ўтилган бошқа қадимги деҳқончилик маданиятлари марказларидан

ҳаётнинг тўсатдан сўниши кўп жиҳатдан катта вайрона келтирувчи кучга эга бўлган бошқа маданият қабилаларнинг пайдо бўлганлиги билан изоҳланади.

Аммо Саразмдаги моддии топил-малар асоснда бу ҳақда бирон нарса дейиш қийин. Чунки топилмаларда бундай ходиса бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар учрамайди. Илк деҳқончилик маданиятлари таназзулини изоҳловчи бошқа фаразларни ҳам кўриб чиқиш лозим. Юқорида таъкидланганидек, милоддан олдинги III минг йиллик ўрталаридан бошлаб илк деҳқончилик маданиятлари марказлари бўлган Олтинтепа, Намозгоҳтепа, Саразм ва бошқа жойларда жамиятнинг табақаланиши кузатилади. Жамиятда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан қатор ҳуқуқларга эга бўлган имтиёзли қабила оқсоқоллари ҳамда уларга қарама – қарши бўлган оддий жамоачилар табақалари вужудга келди.

Имтиёзли табақа аъзолари қабиладошларнинг фақатгина ишлаб чиқариш фаолиятигина эмас, балки моддий неъматларни тарқатиш, тақсимлашни ҳам назорат қилганлар. Жамоа ичидаги ўздро ички қарама – қаршиликлар натижасида, эҳтимол. патриархал тўқнашиш, келишмовчиликлар рўй бериб, натижада катта патриархал оилалар уйлари, яйловлари, экин майдонлари, устахонала -рини ташлаб табиий шароитлари яшаш учун қулай бўлган бошқа – жойларга кўчиб кетишган. Ўрта Осиёдаги қадимги деҳқончилик марказлари, жумладан Саразм маконида ҳам ҳаётнинг тўхтаб қолиши шу жараёнларга боғлиқ бўлганлиги эътибордан холи эмас. Шу муносабат билан Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг бутунлай йўқолиб кетганлиги тўғрисида гапириш хато бўлар эди.

Аксинча, милоддан олдинги II минг йилликдан бошлаб жанубий ва шимолий Бақтриянинг (шимолий Афғонистон, жанубий Тожикистон ва Ўзбекстон) ҳамда Марғиёнанинг (жанубий Туркманистонда- ги Мўрғоб дарёси хавзаси) айрим воҳаларида Бақтрия–Марғиёна археологик

комплексини ташкил қилувчи ривожланган деҳқончилик маданиятининг янги марказлари пайдо бўлди (Сарианиди, 1987, 52–65 бетлар).

Саразмда ҳаётнинг сўниши ва деҳқончилнк маданиятининг янги ўчоқлари пайдо бўлишнинг бир вақтга тўғри келишини ҳисобга олиб, бу янги деҳқончилик марказларининг шаклланишида Зарафшон дарёси ўрта оқимида яшовчи қабилалар, жумладан, Саразмликлар ҳам иштирок қилинганликларини тахмин қилиш мумкин.

Юқорида баён қилинган маълумотлар ва чиқарилган хулосалар 1977 - 1983 йилларда Саразмда олиб борилган археологик тадқиқот натижаларига асосланган. Ёдгорликни тадқиқот қилиш ишлари давом этмоқда. Янги археологик тадқиқотлар материаллари Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги қадимги металл даврига оид ягона ёдгорлик, Зарафшон ўтроқ—деҳқончилик маданиятининг маркази тўғрисидаги билимларимизни янада чуқурлаштиради.

Саразм маданияти жамият ривожланиши. умумий қонуниятлари асосида. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ минтақаларидаги деҳқончилик марказининг – ўзаро алоқаларини натижасида шаклланиб ривожланади. Шунинг учун Саразм маконини тадқиқот қилиш ишларининг давом этирилиши Ўрта Осиё археологияси учун катта оҳамиятга эга бўлар эди.

Ўрта Осиёнинг шимоли чорвачилик билан хўжалик юритувчи, Оврупо ва Осиёнинг даштликларида тарқалган бронза маданиятлари қабилалари яшаган минтақага киради. Бу қабилалар Ўрта Осиёга милoddан олдинги II минг йилликда шимолдан кириб келишган. Бу даврда Оврупо ва Осиё даштларнинг бепаён кенгликларида чорвадор деҳқончилик қабилалар ҳаракатга келишади. Уларнинг ишлаб чиқариш усули, Маркс таъбири билан айтганда, «қабиланинг ҳар бир алоҳида азоси учун кенг, бепаён майдони талаб қилиб, қабилаларда аҳоли сонининг ўсиши. қабилаларнинг ишлаб чиқариш учун зарур бўлган майдонларини қисқартирар эди.

Шунинг учун ортиқча аҳоли халқларининг ташкил топиши жараёни бошланишига асос бўлиб хизмат қилувчи, хавф-хатарга тўла бўлган буюк кўчишларни амалга оширишга мажбур бўлдилар» (К. Маркс, Ф. Энгельс, 8 том, 568 бет) Бу кўчишлар дарёлар ёқалаб амалга оширилган. Дастлабки даврларда чорвачилик билан дарёлар яқинидагина шуғилланиш мумкин бўлган. Аҳоли бу пайтда ўтроқ чорвачилик билан машғул бўлган бўлса керак.

Бу даврда чорвадор қабилалар кўчманчи бўлшмаган Археологик қазмишларида от жабдуқларининг, аввало, сўлиқларининг топилмагани бу фараз тўғрилигини тасдиқлайди. Отлар йўқлиги туфанли улар сувдан узоққа кетиш ёки мунтазам мавсумий кўчишлар ўтказишга қодир бўлишмаган Шунинг учун бу қабилалар маълум бир жойда бирон-бир воҳа ёки дарё бўйларида муҳим яшаб чорвачилик билан шуғулланишган. Одатда, улар яшайдиган жойлари яқингина экинлар экиб, зироатчилик билан ҳам шуғулланишган. Лекин бу қабилаларни мунтазам мавсумий кўчишларни билмаганликлари учун ҳам ҳақиқий ўрта қабилалар деб бўлмайди. Уларнинг чорва моллари аста-секин яшаш жойлари атрофидаги гиёҳга унча бой бўлмаган яйловларни топтаб, йўқ қилишган. Натижада аҳоли вақти-вақти билан турар жойларини ташлаб, янги жойларга кўчишга мажбур бўлишган.

Қулай иқлимий шароитлар вужудга келган тоғли жойларда кийинчалик чорва молларини мунтазам тоғ яйловларига мавсумий ҳайдаб олиб бориб бошқага асосланган чорвачилик хўжалиги вужудга келади. Хўжаликнинг бу тури милоддан олдинга II минг йиллик охирида, отлар кўлга ўргатилиб, йилқичилик вужудга келганидан сўнг, яъни кўч-манчи чорвачилик пайдо бўлишидан сал олдинроқ, кенг тарақалган бўлса керак. Табиим муҳит на маданий анъаналарнинг турли – тумандаги чорвачилик ријланиши йўналишларига таъсир қилган.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг катта қисмини кўчманчи дашт қабллалари эгаллаган эди. Уларнинг яшаш маконларнинг кўпчилигида

улар жуда қисқа вақт яшашган. Шунинг учун кўпинча бу маконлар археологлар томонидан манзилгоҳ деб ҳам аталади. Кўчманчиларда чорвачилик асосий ўрин тутган ишлаб чиқарувчи хўжалик бўлиб улар сопол идишларни чархсиз, қўлда ясаганлар. Ҳозирги пайтда археология фанига маълум материаллар илк бронза даври дашт маданиятлари шаклланган аниқ жой ва вақтна кўрсатиб беришга имкон берманди. Ўрта Осиё шимолида бронза даврининг вақт чегараси андронova маданиятига тааллуқли аҳолининг пайдо бўлиши билан, яъни милоддан олдинги II-I минг йиллик бошлари билан белгиланади.

Бронза даврининг қуйи вақт чегараси эса шартлидир. Чунки Сувёрган ва Замонбобо археологик маданиятларнинг саналари ҳамда маданий тааллуқлилиги мунозаралидир. Бу, айниқса, Замонбобо маданиятига тааллуқли. Абсолют ёши ҳақида бир – бирини инкор қилувчи фикрлар бўлишига қарамасдан, 80-йилларгача барча тадқиқотчилар Замонбобо маданиятини бир овоздан илк бронза даврига оид деб ҳисоблашар эди⁴¹. Лекин Ўрта Осиё ибтидоий даврининг иккита йирик тадқиқотчиси: А. А. Асқаров ва В. И. Сариянидилар бир биридан мустақил равишда, деярли бир вақтда Замонбобо мадания-тининг санасини қайтадан кўриб чиқиб уни ёшартириш масаласини кун тартибига қўйишди. А. А. Асқаров солиштириш — тарихий таҳлил қилиш методидан фойдаланиб.

Сополли маданияти сўнги босқичлари, шунингдек илк тулхар маданиятига тегишли мазорни тадқиқ қилиш ишларини олиб бориб; бу ёдгорликларни бир-бирига солиштириб, улар бир вақтда мавжуд бўлганлигини ва бу вақтда милоддан олдинги III минг йилликнинг иккинчи чорагига тўғри келишини кўрсатди⁴². В. И. Сарияниди шимолий Афғонистондаги таланган қабрлардан чиқариб ташланган чиқиндилар орасидаги топилмаларни ўрганиб, шу материаллар асосида Замонбобо маданияти санасини милоддан олдинги II ва I минг йилликлар чегарасида деб белгилашни таклиф қилади⁴³.

Замонбобо маданиятини саналаштириш масаласи Саразм маданиятининг янги материаллари топилиши муносабати билан илк бронза даври ёдгорликлари дойрасида, ҳал бўлса керак.

Ўрта Осиёнинг шимоли ва жанубида бронза даврида яшаганаҳолийииг терикий тақдири бир-бирга чамбарчас боғланиб кетган. Жумладан, шимолдаги чорвадор кабиларнинг жанубидаги ўтроқ – деҳқончилик маданиятлари билан фаол алоқалари, чуст ёзтепа, бургулик сингари икки хил турдаги маданият белгиларини ўзида бирлаштирган маданиятларнинг деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг шимолго силжиши эса Зарафшоннинг қуйи қисмида ўрганилган Замонбобо маданиятининг шаклланишига олиб келди.

III боб Илк дехқончилик маданиятини юзага келиши

3.1§ Замонбобо маданияти ёдгорликлари

Ўрта Осиёда илк дехқончилик маданияти эрамиздан олдинги 3-2 минг йиликларда жанубий ўлкаларда юзага келган бўлиб Кучунтепа, Сополли, Тоза боғёб маданиятлари ҳисобга олинган эди. Суғоришга асосланган дехқончилик маданияти марказлари Зарафшон воҳасида олиб борилган татқиқотлар жараёнида Мохондарё кўли атрофида, ҳозирги Қора кўл тумани ҳудудида Замонбобо номли қир адирларда аниқланди.

Замонбобо маданиятини 1950 - 1953 йилларда Я. Г. Гуломов томонидан топиб ўрганилган Замонбобо ёдгорликлари ўз аҳамияти, салмоғи билан ажралиб туради. Кўп йиллар давомида бу қизиқарли маданиятни ўрганниш билан шуғулланган олимлар ҳали Замонбобо маданиятининг келиб чиқиши, бу ёдгорликлар мавжуд бўлган даврнинг аниқ санасига боғлиқ бўлган бир қатор тарихий масалалар юзасидан бир фикрга келганларича йўқ. Бу масалани ҳал қилиш билан Я. Гуломов, А. Асқаров, В. Массон, Б. Латинин, В. Сарияниди, Е. Кузьмина сингари машҳур археолог – олимлар шуғулландилар. Лекин улар барча масалалар юзасидан ягона фикрга келолмадилар. (Бу масалага бағишланган адабиётлар ҳақида қаранг: Жўрақулов, Аванесова, 1983, 42 – 47 бетлар).

Ҳозирги лойиҳада бу қизиқарли маданиятнинг учта ёдгорликлар: Зарафшоннинг қуриб қолган узани – Гужайли соҳилида очилган иккита макон ва Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Замонбобо кўлининг шимолида топилган шу номдаги Мозор ўрганилган (Гуломов, Исломов, Асқаров, 1966: 118 – 179 бетлар). Унинг атрофи кенглиги 2 метрча бўлган шиббаланган тўпроқдан қилинган кўтарма билан ўраб олинган бўлиб, макон 100 - 150м² майдонига эга бўлган ярим ертўтала ва ер юзасидан қурилган турар жойлардан иборат.

Ертўталар полдан 14-16 см.. йўғокликдаги устунлар ўрнатиш учун қилинган чуқурлар, сомолой билан сувалган хўжалик ўралари учоқлар топилган. Бу ердан, шунингдек, қамиш ва сомон излари сақланиб, қолган

сувоқлой парчалари топлгаи. Ертўлаларнинг томлари сомонлой билан сўвалгян бўлса керак. Ер юзасига қурилган турар жойлар чайлаларга ўхшаш бўлиб, уларнинг тепаси қамиш билан ёпилган. Турар жой олдида ўтхонасининг диаметри 0,9 м. бўлган, унча катта бўлмаган, кесими тухумсимон думалоқ икки қаватли устунсимон шаклдаги кулолчилик хумдони жойлашган. Бу ердан бир нечта хўжалик ўралари топилган. Макон кўп қатламли бўлиб, бошқа даврларга оид бўлган юпка қатлам ётқиқиқлари бўласада, асосан бир турдаги маданий қолдиқлардан иборат.

Бу жойларнинг қадимги қаблалар томонидан биринчи марта ўзлаштирилиши, бўялган сопол идишларга қараганда энеолит даврида юз берган. Кейин бу жойда аҳоли яшашида танаффус юз берган. Бу пайтда макон ўрнида Гужйли дарёсининг топишлари натижасида қалинлиги 1 метрдан ошиқ бўлган қумли гил қатлами вужудга келган. Шундан сўнг маконда ҳаёт қайтадан бошланиб, унга моддий маданияти ҳозир Замонбобо маданияти деб аталадиган, маҳаллий қабилаларнинг аجدодлари жойлашиб олганлар. Ер юзасидан териб олинган сопол парчаларига қарагана бу ерда кейинчалик андронов – тозабоғёб маданий- тарихий бирлигига қирувчи чорвадор қабилалар яшашган⁴⁴.

Замонбобо маконн яқинидан мазор топилган. Ундан бузилган ва шамол емирган 44-та қабр қаламга олинган. Қабрларининг тузилиши катакомба (алоҳида лаҳадли қабрлар) шаклидадир. Шу билан биргаликда оддий чуқурли қабрлар ҳам учрайди. Шу билан биргаликда оддий чуқурли фикрича, алоҳида қабр тури бўлган⁴⁵. А. Асқаровнинг хулосасига кўра бу хилдаги қабрлар бузилган катакомба шаклидаги қабрларнинг ҳозирги кундаги кўринишидир⁴⁶. Деярли барча қабрлар безовта қилинган. Дафн қилинган марҳумларнинг суяклари жойидан кўзгатирилган. Учта қабирдаги суякларнинг дафн қилинган вақтидаги ҳолатида сақланиб қолган. Вафот қилинганлар букчайтирилган холда, ёнбошлатиб бошлари шарқ, шимолий – шарқ , баъзан шимолга қаратиб дафн қилган. Баъзи бир қабрларнинг тубидан ўтиннинг қуйиб кўмирга айланган бўлакчалари топилган.

Мархудар қабрларидан 28 тасига якка ва 7 тасига жуфт дафн қилинган. Марҳумлар жуфт дафн қилинган иккита қабрда катта одамлар билан биргаликда болалар жасади ҳам дафн қилинган. Марҳумлар билан биргаликда қабрга сопол идишлар ҳам қўшилиб, кўпинча улар марҳумнинг бош томонига қўйилган. Бу унча катта бўлмаган идишларнинг туби ясси ёқни думалоқ шаклда бўлиб, ташқи томонида нақшлар учраманди. Икки ҳолда бошқа жойдан маконга олиб келинган идишларнинг бўлаклари топилган. Бу идишлардан бири кенг томонлари бир-бирига ёпиштирилган икки конус (биконик) шаклига ўхшаб кетадиган бўялган сопол идишларнинг тубидир. Баъзи бир қабрларда марҳум билан бирга қўйиладиган буюмлар орасида тош қуроллар – ўқ ёй учлари (бир қабрдан бештагача), ўроқ ясада ишлатиладиган қадама қуроллар топилган.

Аёлларнинг қабрларидан қорамтир рангдаги сурманинг қотиб қолган майда бўлаклари ва жуда кичик мис «куракчалар» топилди. Бу қабрлардан оддий ва ярим қимматбаҳо тошлардан қилинган турли хил мунчоқлар, мис кўзгуси сингари кўплаб бе-заклар топилган. Мозордаги қабрлардан биридан майда сопол ҳайкалча, бошқасидан бронзадан қилинган балиқ тутувчи қармоқ топилган. Баъзи қабрлардан тўғнагичнинг тошдан ясаган, думалоқ соб «бошлар» топилган. Ундан ташқари бигиз сингари қуролларнинг тигига кийдириладиган, охиригача тешилмаган, думалоқ тош, сополдан ясалган сопобоши - куббалар, ўғир даста тошлар, қўйиб кўмир бўлиб қолган дуккакли маданий ўсимликларнинг дони, қўй, эчки, сигир сингари уй ҳайвонлари суякдари топилган.

Баъзи бир қабрларда марҳум жасади қолдиқлари ва у билан бирга қўйиладиган буюмлар учрамайди. Умуман, мозордаги қабрларда учрайдиган буюмларга келсак, келиб чиқиши жиҳатдан уларнинг бир қисми бошқа жойлардан олиб келинган, қолганлари маҳаллий буюмлар бўлган. За-монбобо мозорини қазиб ўрганиш, унинг анча бузилганига қарамай, асосий ўзига хос томонларини, кўринишини тиклашга имконе беради.

Замонбобо маданиятининг сопол идишлари қўлда тасма усулида тайёрланган. Лекин мазорда ва маконда чархда тапёрланган идишлар ҳам учрайди. Мазорда 2 та идишнинг 2 бўлаги, маконда 18 та идишнинг 60 та бўлаги топилган. Сопол идишлар баъзида учрайдиган майда қўмни айтмаса, ҳечқанақа қўшимча жинслар қўшилмаган тоза лойдан тайёрланиб, жуда яхши қуйдириб пиширилган. Идишларнинг сатҳи бир текиснинг ўрта қисми сариқ - гулоби рангда бўлади. Барча сопол идишлар қандай ишларда қўлланишига, вазифасига қараб 2 гуруҳга: Ошхона – хўжалик сопол идишлари. 2. 2- Диний маросимларга оид сопол идишларга бўлинади. Биринчи гуруҳга туби думалоқ ёки тухумсимон идишлар ҳамда туби думалоқ ярим шарсимон коса-лар киради. Бу гуруҳга таги ясси, баъзан думалоқ туваксимон идишлар, цилиндр шаклидаги идишлар – турли катталиқдаги қадахлар ҳам киради.

Диний маросимга оид идишларга унча катта бўлмаган бир бурчагида ярим доира ёки квадрат бўлими бўлган туртбурчак идишлар ва юқори қисмида, бурчакларида баланд жойга осиб учун қилинган тешиклари бор кубсимон идишлар киради. Тўртбурчак идишларнинг бурчагидаги бўлимлари - «донхўрак» деб аталиб, бу идишлар марҳумларнинг қўш шаклига кирган руҳларнинг овқатланиши учун мўлжалланиб, марҳумлар билан бирга қабрга қўйилган. Кубсимон идишлар оловга сизиниш маросимлари учун мўлжалланган. Юқорида таърифланган сопол идишларнинг ҳаммаси келиб чиқиши жиҳатдан маҳаллий бўлиб, бошқа жойдан олиб келинган идишларга - кулранг гилдан қилинган кичикгина, баланд даста оёқли қадах ва тўқ жигар –рангга бўялган кенг томони бир-бирига ёпиштирилган конуслар (биконик) шаклидаги идишнинг пастки бўлаги киради.

Замонбобо маданиятининг меҳнат қуроли ва қурол – яроқлари чақмоқтош, чақмоқтошсимон тош жинслари, металл, қайроқтош, харсангтош, суяклардан тайёрланган. Хўжалида чақмоқтошдан тамёрланган қадама қуроли, тешкичлар етакчи ўринларни эгаллаган. Металл эндиgina кесувчи (пичоқ) ва санчилувчи (нина) қуроли

тайёрлашдан тош ўрнини эгаллай бошлаган. Оз бўлсада тошдан қилинган деҳқончилик қуроллари: битта мотиға (кетмонсимон қурол), 12 та ёрғучоқ ва 14 та ёрғучоқ устки қисмдаги тошлар – ўғир даста тошлар ишлатиладиган буюмлар, урчуқ ва соп боши-қуббалар тайёрланган. Замонбободан металл ишлаб чиқариш билан боғлиқ қуроллар топилган.

Замонбободан топилган қурол—яроқлар чўзинчоқ, баргисимон, бодомсимон, дафна барги ва учбурчак шаклардаш ўқ-ёй учларидан иборатдир. Уларни асосан ов қуроллари деб ҳисоблаш мумкин (Ширннов), 1986, 78—82 бетлар).

Безаклар ва безаниш анжомлари Замонбобо маданиятидан топилган буюмларнинг анчагинаасини ташкил қилади. Булар турли хил тошлардан: яшма хризоприт, ақиқ, ложувард, каоин (оҳақтош, слонец, мармарларнинг турли хилларидан), ферузадан тайёрланган, турли шаклдаги тақинчоқлар, мунчоқлардир. Маржондан қилинган мунчоқлар ҳам учрайди. Битта цилиндр шаклидаги мунчоқ эса юпқа олтиндан тайёрланган. Мунчоқлар шаклига қараб цилиндр, чўзинчоқ – юмалоқ (овал), хочсимон, ярим ой шаклидаги мунчоқлар гуруҳларига бўлинади. Кўп сонли мунчоқлар орасида тадқиқотчилар учун каолин ва ферузадан қилинган, мураккаб хоч шаклидаги мунчоқлар жуда нодир аҳамиятга эга. Барча тадқиқотчиларнинг фикрича, бу хилдаги мунчоқлар Эрон, Афғонистон ва жанубий Туркманистоннинг қадимги деҳқончилик марказларида учрайди.

Замонбоболикларнинг тош мунчоқлари уларни танёрлашнинг кам учрайдиган усули ва шаклларнинг маълум даражада стандартлашгани билан кишини ҳайратга солади. Макондан ва баъзи аёллар дафн қилинган қабрлардан топилган тўғнағич сопу бошлари – қуббалар ҳам қизиқарлидир. Улар оҳақтош ва яхши қўйдириб пиширилган шаклларга эга. Уларнинг охиригача етказилмаган тешиклари тўғнағич соплар учига кийгизилган. Бизнингча, бу буюмлар «соп боши» вазифасини эмас (чунки тўғнағичларнинг ўзларининг соп боши – қуббалари бор), балки тўғнағич

ёки баъзи ҳолларда безаниш (косметик) куракчасининг ўткир учини ўт-маслашишдан сақловчи гилоф вазифасини ўтаган.

Аёлларнинг безаниш буюмлари орасида мисдан ясалган, узунлиги 12-16 см. бўлган кичик куракчалар ҳам бор. Бу буюмларнинг безаниш буюми эканлиги уларнинг фақат аёллар кабрида ва фақат кузгу, сўрма, бир бўлак охра билан биргаликда учраши билан белгиланади .(Ғуломов, Исломов, Аскарлов, 1966, 159 — 160 бетлар). Замонбобо маданиятининг кўзгулари мисдан қилиниб улар диаметри 8 см. бўлган думалоқ шаклга эгадир.

Қабрдан топилган, сополдан тайёрланган гавда ва юз белгилари жуда соддалаштириб тасвирланган, шартли – ясси усулдан тайёрданган ялпоқ, тикка гурувчи ҳайкалча (терракота) ҳам эътиборни ўзига жалб қилади. Макондан бошқа бир сопол ҳайкалчанинг бўлаги ҳам топилган. Лекин у биринчисидан фарқли равишда чўзилтирилган – думалоқ шаклда ясалган бўлиб, юз қисми белгилари бу ,ҳайкалда ҳам жуда заиф ифода қилинган.

Замонбобо маданияти хўжалиги чорвадор – деҳқончиликдан иборат бўлган. Чорвачиликнинг мавжуд бўлганлига Замонбобо мақсонидан ва қисман мазордан топилган жониворларнинг суяклари гувоҳлик беради. Бу суякларнинг орасида ун ҳайвонларининг (эчки, қўй, сигир, эшак) суяклари кўпчиликти ташкил қилади. Тўқай буғуси, ёввойи чўчка, жанрон сингари ёввойи ҳайвонларнинг макондан топилган суяклари 15 фоизни ташкил қилади. Бу суякларни ўрганган Н. М. Ермолованинг тахминига кўра, бу ердаги аҳоли асосан қорамол боқиш билан шуғулланган (Ғуломов, Исломов, Аскарлов, 1996, 172 бет). Чорвачиликдан ташқари Замонбоболиклар хўжалик катта ўрин тутган деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган. Экин экилмайдиған ер, тош, шох ва ёғочдан қилинган турли шаклдаги мотигалар билан ишланиб, ҳосил чақмоқтош ккдамаларидан танёрлашган ўроқ билан ўриб олинган. Кейин бўғдой, арпа сингари деҳқончилик маҳсудотлари ёргучоқда тортиб уй қилинган. Замонбоболиклар хўжалигида ёғоч, шох, суяк, тошларга ишлов бериб

курол ва буюмлар тайёрлаш ҳам маълум ўрин тутган. Уларга балиқчилик, тўқимачилик ҳам маълум бўлган (урчук).

Замонбобо апданияти қабилалари тарихим ривожланишининг ўзига хослиги шунда ўз ифодасини топганки, бу ерда хўжалик бошқа дашт қабилаларга хўжалигидан фарқли равишда ривожланди. Замонбобо қабилаларга яқинроқ жойлашгани учун улар билан қалинг маданий алоқаларга эга бўлганлар.

Замонбоболиклар жамоаси маълум табиий муҳит ва тарихий шароитлар таъсирида анча тез ривожланганлар, ўзларининг юқори ривожланган замондошлари жаубий деҳқончилик қабилаларининг кучайиб бораётган таъсирини сеганлар. Бу ҳақда чарҳда тайёрланган сопол идишлар идиш тайёрловчи ҳуидон, хочсимон мунчоқлар, сопол ҳайкалчалар, тўғанғич «куббалари», мис «куракча»-лар сингари буюмлар гувоҳлик беради. Шимолий – шарқий Эрон, шимолий Афғонистон ва жанубий Туркменистоннинг бронза даври ёдгорликларида худди шундай ва шунга ўхшаш буюмлар топилиб туради. В. М. Массон тахмин қилганидек, ўтроқ деҳқомлар томонидан ўтказилган таъсир қуйи Зарафшон аҳолисининг ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтишини белгимлаб берувчи омиллардан бўлди. (Массон,196, 212 бет).

Замонбобо макони юқори қатламидан топилган андронова - сополлари Замонбобо қабилаларининг кейинги тақдирини аниқлашга имкон беради. Улар андроноваликларга қўшилиб, аралашиб кетган бўлсалар керак. Замонбободаги одам суяклари қолдиқларни ўрганиш улар билан андрон-валикларнинг яқин қонқариндош бўлганликларини тахмин қилшга имкон беради (Хўжайов, Жўрақулов, 1984, 13 – 14 бетлар).

3.2§ Зарафшон воҳасида дашт кўчимачиларининг пайдо бўлиши ва илк дехқончилик маданияти тасири.

Андропова тарихий - маданий бирлигининг Зарафшон варианти юксак Тянь Шаъ тоғининг ён бағридан Амударё ва Сирдорё оралиғигача бўлган кенг территорияда жойлашган андропова ёдгорликлари бир даврга тааллуқли эмас, Ўрта Осиё андропова ёдгорликларининг даврланиши ва саналари тартиби ички хронологияси андропова муаммосининг тўлиқ ҳал қилнишига боғлиқ. Чунки кўчманчи чорвадор қабилалар қолдирган ёдгорликларнинг келмб чиқиши моддий маданияти, дафн маросимлари ва антропологик материаллари бир хил бўлган Қозоғистон ва Сибирнинг андропова маданият» аҳолисига боғлиқдир: 1914 йилда Ачинск шаҳри яқинидаги Андропова қишлоғи атрофидан А. Я. Тугаринов томонидан топилган, кейинчалик жуда катта минтақага тарқалган маданиятга ўз номини берган мазорнинг ўрганилганига ҳам сал кам 80 йил бўлди⁴⁷

Лекин кўп йиллик тадқиқотларга қарамасдан, андропова маданияти ҳали ҳам кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Андропова маданиятининг келиб чиқиши, унинг мутлақ ва нисбий саналари ана шундай мунозарали масалалардандир. «Андропова маданияти» тушунчасининг ўзи ҳам илмий тортишувларга сабаб бўлмоқда. Ҳозир археология фанида бу тушинча ўрнига кенгрок ва чуқурок мазмунга эга бўлган «тушинчаси қўлланилмоқда⁴⁸ Бу тарихий -маданий бирликни даврлаштириш ва саналаштириш масаласи ҳозир ҳам энг мунозарали масала бўлиб турибди. М. А. Итина Т. М. Попемкина, Е. Е. Кузьминаларнинг асарларида бу масала ва унинг историографияси кенг ёритилган⁴⁹. Шунини тақидлаш лозимки, 80 йилларнинг бошларида кўпчилик тадқиқотчилар Федоров ва олакўл ёдгорликларини андропова тарихий – даний бирлигига бирлашган мустақил археологик маданиятлар деб ҳисоблай бошладилар. Ёдгорликларни саналаштириш борасидаги қарама—қаршиликлар ҳам, асосан, Федоров олакўз маданиятларининг ўзаро муносабатини турлича тушиниш асосида келиб чиқмоқда.

Андропова маданиятининг дастлабки тадқиқотлари. Уларда Енисейгача бўлган дашт ва дашт – ўрмон жойларда жойлашган бу маданият йўналишда ривожланган деб ҳисоблашар эдилар⁵⁰. Кейинги икки ўн йилликда бир бирига келиб чиқиш жиҳатдан боғлиқ бўлмаган Федоров ва олақўл маданиятлари тўғрисидаги илмий фараз (г.мпотеза! кенг тарқалган⁵¹.

Қозоғистон ва уралдаги ёдгорликларнинг маданий қатламлари жойлашишини ўрганиш, уларнинг стратегиясини кузатиш Андропова комплексларнинг нисбий саналаштирилшига баъзи ўзгартиришлар киритилишини тақозо қилади. Андропова маданий бирлигига кирувчи ёдгорликларнинг вақт тизимидаги ўрни ҳозир анча аниқдир.

Биринчидан, олақўл ёдгорликлари Федоров ёдгорликларидан олдин пайдо бўлган. Иккинчидан, олақўл ёдгорликларида қвақт – сана жиҳатда қадимроқ бўлган Петров қатлами мавжуд. Учинчидан, қожумберди типи деб аталувчи, ўзида олақўл - Федоров маданияти белгилари ифодаладган, сопол идишлар, шунингдек петров - олақўл белгилари бор қулавчин туридаги сочқиши жиҳатдан Федоров маданиятига боғлиқ бўлган оғзи чиниши жиҳатдан Федоров маданиятига боғлиқ бўлган оғзи қалин вакилик сопол идишлар тайёрловчи сўнги бронза даврига оид маданияти ажиратилади⁵². Шундан қилиб, юқорида тилга олинган маданиятлар ягона андропова маданий бирлигига кириб, келиб чиқиши жиҳатдан бир-бирмга боғлиқ бўлган. Улар вақт тизимида ўтиш давлари билан бир-бирига боғланган петров – олақўз федоров – алксеев – сагарин заижирига тизимлашади.

Андропова бирлиги ёдгорликларининг нисбий саналаштирилиши муаллифларнинг бири томонидан техник морфологик ва метриктрик анализ ёрдамида; андропова маданий бирлиги тарқалган барча жойлардаги металл буюмларни турларга бўлиб таснифлаш (типологик классификация) асосида ҳал қилинган (Аванесова, 1979). Муалиф томони-дан ёдгорликларнинг мутлақ саналаштирилиши ҳам тақлиф

кининган бўлиб, уни баъзи бир ўзгартиришлар билан ҳозир ҳам қубул қилиш мумкин. Бу саналаштиришга кўра петров маданияти милоддан олдинги 18 – 16 асрларда; олакўл маданияти милоддон олдинги 13 – 14 асрларда; федоров маданияти –милоддан олдинги 14 аср охири 13 асрда; алексеев - саргарин маданияти милоддам олдинги 12 – 9 асрларда мавжуд бўлган.

Таклиф қилинаётган мутлақ сана яқин Шарқ ёдгорликлари саналарига бўлган Кавказ ва Шарқий Европа мамлактлари ёдгорликлари саналари, шунингдек СССР ФА археология институти Ленинград бўлими (ЛОИА АН СССР) лабораториясида радпокарбон методида олинган саналарга асосланади.

Уралдан то жанубий Сибиргача чўзилган Қозғистон даштлари, Ўрта Осиё чўл ва саҳролари, Помир ва Тянь-Шань тоғлари ёки бағирларидан Ўрта Осиё жанубий воҳаларигача бўлган улкан ҳудудда жойлашган андронов та-рихи маданий бирлиги маълум даражада ягона бирлик бўлиб, унинг турли жойлардаги ривожланиш маромлари (ритмлари) бир – бирига мос тушади. Спол идиш шакл ва нақишлардаги, дафин маросимларидаги (босқичларига, маданиятлардаги) баъзи жузъий фарқлар санавий вақт характериدير.

Илмий муназаралар ҳозир ҳам давом этмоқда. Олакўз ва федеров маданиятлари бир вақтда мавжуд бўлганлига таъкидловчи ғоя тарафдорлари ҳозир ҳам бор. Мунозора қилувчи томонларнинг ғоялари ўртасидаги фарқ археологиянинг у ёки бу масалаларида эмас, балки тарихий ривожлани жараёни характериини турлича тушунишлари оқибатида вужудга келган.

Биз бир ареалда жойлашган, территорияси бир бўлган, лекин бири-биридан ўз ноддий маданиятининг асосий белгилари белгилари, биринчи навбатда, асосий буюм турлари ва уларни тайёрлаш усуллари билан фарқ қилувчи ёдгорлик гуруҳлари бир даврда мавжуд бўлиши мумкин эмас деган тушунчадан келиб чиқиб, олакўл ва федоров маданий босқичлари

маданият ривожланишининг турли даврларига – турли маданият, босқичларига тааллуқли деб ҳисобланмиз. Андронova маданият – тарихий бирлигининг санавий вақт чегаралари бронза асрининг илк (милоддан олдинги 18 - 16 асрлар), ўрта (милоддан олдинги 15 – 13 асрлар) ва сўнги бронза (милоддан олдинги 12 – 9 асрлар) даврларига тўғри келади.

Ўрта Осиёдаги андронova ёдгорликларининг келиб чиқиши, тўғрисида бир неча нуқтаи – назар мавжуд. Лекин, тадқиқотчилардан ҳеч ким махсус равишда ёдгорликларнинг келиб чиқиши муаммосини, ва кўлда ясалган сопол идишлар учрайдиган, илмий адабиётда «дашт» бронзаси ёдгорликлари деб аталувчи ёдгорликларни ўрганмаган. Ваҳоланки, ҳозирги пайтга келиб Ўрта Осиёда маданий жиҳатдак андронova комплексларига жуда яқин бўлган икки гуруҳ ёдгорликлар: Орол денгизи бўйидаги тозабоғёб ёдгорликлари ва Каспий денгиз бўйларидаги ёғочбанд мозорлар мавжудлиги аниқ бўлиб қолди⁵³. Ўлкамиз шимолий археологик тадқиқот қилишининг ҳозирги босқичида гарчи мунозарали ҳолатлари бўлсада (андроновликларнинг пайдо бўлиши вақти, тозабоғёб маданиятининг шу жойининг ўзида шаклланганлиги –автохтон – лиги ва шу сингари масалалар) Ўрта Осиёда бронза даврида рўй берган мураккаб этник жараёнларни тушунишига имкон беручи энг мукамал чуқур тадқиқот шилари Орол бўйларида ўтказилиб, бу ердаги ёдгорликлар яхши ўрганилган.

Ўрта Осиё бронза даври чорвадорлари ёдгорликларининг сана-вақт тизимини муфассал аниқлаб тузишга тўлиқ ўрганилган ёдгорликларнинг қамлиги, топилмаларнинг озлиги ҳозирча имкон бермайди. Лекин шундай бўлсада ҳозир бу ерда бронза даврининг илк, ўрта ва сўнги босқичларига оид ёдгорликлар борлиги аниқ.

Ўрта Осиёдаги андронova маданий-тарихий бирлигига бир Орол денгизи бўйларидаги тозабоғёб маданиятини ҳамда Зарафон (Гужайли, Қизил-қир, Мўминобод, Сайгус, Чакқа. Сиёб, Дашти-Ашт ёдгорликлари, Тўқай макони, Мохан-дарё манзилгоҳлари ва бошқалар); Фарғона (Водил,

Карамкўл, Хўжа – Ягона, Доҳама, Ардик, Дашти-Ашт ёдгорликлари, Қайроққум манзилгоҳлари ва бошқалар); Тянь-Шан-Етисув. (Тош-тепа II Беш-тош, Тош-Башат, Арпа, Жази Кечу, Тегирмон-сой ва бошқалар); икки дарё оралиғи (Октанга, Курттака. Қизил-работ, Қоқуй-Бельсув, Ангрен са бошқалар), деб номланувчи тўртта маҳаллий (локал) вариантларини киритамиз.

Ушбу қўлланмада Зарафшон маҳаллий вариантыга эътибор бериб, уни муфассал таърафлаймиз. Чунки бу ердан топилган материаллар илмий асарларда тўла ўз аксини топмаган. Зарафшон воҳасидаги баъзи ёдгорликларга батафсил тўхталиб ўтамиз ва уни Зарафшон дарёсининг юқори оқими худудидан бошлаймиз.

Дашти – Қози қабристони Папжакент шаҳридан 50 км. шарқда Зарафшон дарёсининг чач қирғоғида жойлашган, 400 м² майдонда 27 та, жумладан 21 та якка, 4 та жуфт, I та уч киши, I кўп киши дафн қилинган қабрлар очиб ўрганилди. Бундан ташқари, бу ердан дафн маросимида алоқочон бўлган 8 та чуқур ва бир қанча гулхан қолдиқлари топилди. Қабрлар алоҳида лаҳадли қабр шаклида бўлиб. Уларнинг терраса нишаб томонидаги деворига тешиги йирик тошлар билан беркиладиган ёрма лаҳадлар қилинган. Тошлар усғида гулхан қолдиқлари кузатилади. Қабрларга кўмилганларнинг кўпчилиги чап томонига ёнбошлатиб, оёқлари букилган ҳолда, бошлари ғабрга қаратилиб дафн қилинган. Қабрларга дафн қилинган марҳумларнинг суякларида ва остидан оҳра ҳамда кўмир кукуни, майда бўлакчалари топилган.

Баъзи қабрларда мурдани бўлиб-бўлиб дафн қилиш ҳоллари учрайди. Қабрларнинг бирида ёш боланинг фақат бош суяғи дафн қилинган. Ҳар бир дафн маросимида қабристонда олов ёқилиб, курбонлик қилинган. Бу ҳақда дафн маросимида алоқадор бўлган чуқурларнинг кўп маротаба фойдаланилганлиги ва бунинг оқибатида чуқурларнинг тулиб қолганиги гувоҳлик беради (Исҳоқои, Потемкина. 1989. 145 - 157 бетлар). Иккитасидан ташқари барча қабрларда марҳумлар билан бирга буюмлар

хам кўмилган. Қабрлардаги буюмлар, одатда, безак буюмлар ва со-пол идишлардан ёки фақат сопол идишлардан иборат. Идишлар қабрга ҳар бир марҳум учун бир донадан, бошининг олд ёки орқа томонига қўйилган.

Тўлиқроқ маълумот олиш учун энг қизиқарли қабр ва чуқурларни алоҳида таърифлаш лозим.3 қабр. Лаҳад овал, тухумсимон чўзиқ шаклда бўлиб (1,4X1), 1,4 метр чуқурликдаги, материкдаги қайроқтош қатламигача қазилган Лаҳадга кириш жой учта катта юмалоқ тош билан беркитилган. Марҳум жанубий – ғарбга қаратиб букчайтириб кўмилган. Унинг қўллари ҳам букилиб бетига тегиздириб қўйилган. Марҳумнинг бош томонида сопол идиш бор. Марҳумнинг кулоқлари ўрнида кўнгиروقчасимон шаклдаги сирғалар, пешонасининг икки чаккасида яхши ҳолатда сақланиб қолмаган бронза чўлпилар, билаклари ўрнида тўрттадан бронза билагузук, кўкрак қафаси устида илмоқли бронза ойна, унинг ёнида бронза қармоқ ҳамда бежирим узук топилган. Кўкраги ва оёқ товонлари устида кўнлаб бронза мунчоқча ва мунчоқлар сочилиб ётибди.

15 қабр. 1,75x0,93 м. катталиқдаги лаҳадли қабр бўлиб, лаҳадга кирадиган жойи чўзиқ думалоқ тош (0,65x0, 45x0, 18 м) билан бекитилган. Бу жой олдида қабр чуқури узунлиги йўналишида жойлашган 0,9x0, 3x0, 4x0,25 метр катталиқдаги кўмир-кул доғи кузатилади. Атрофдаги тупроқдан бу доғ тупроғи зичлиги, қоралиги билан ажралиб туради. Унча катта бўлмаган кўмир доғлари ва кўмир бўлакчалари лаҳад ичидаги тупроқдан ҳам топилган Лаҳадга бети чиқиш жойига, боши ғарб – жанубий – ғарб томонга қаратиб, ёнбошига, букчайтириб ёткизилган катта ёшли аёл жасади қўйилган.

Қўл панжалари букилиб бетига тегиб турибди. марҳумнинг бош томонида, қўли олдида юқоридан, пастга қаратиб синик, эгри-бугри чизик шаклида кўн-ғирадор босма нақш берилган. сопол идиш турибди. Идишнинг ичидан оҳра излари ва 15 та йирик бронза мунчоқ топилди. Марҳум бўйнига катта ялпок бронза женак, ҳар бирлагига учтадан билагузук тақилиб дафн қилинган. Бош суяги остидан кўмғироқсимон

сирға топилди. Иккинчи, худди шундай сирға ва яна бир илмоқсимон, михнинг темпасидаги қалпоқчасга ўхшаш қалпоқчали сирға тос суяклари остидан чиқди. Бош суякда 16 та майда, ўртаси ва чаккаларида йирик мунчоқлар бир қатор бўлиб ётибди. Улар бош кийимига тикилган бўлса керак.

Мархумнинг бели атрофида ва тос суякларидан пастроқда суякларнинг остки ва устки қисмида майда мунчоқлар қатор бўлиб ётибди. Мунчоқлар қаторида қизил рангдаги органик қолдиқли чириган нарса ҳам бор. Бу эҳтимол, бел камари ёки аёл кийимининг мунчок тикилган қолдиқлари бўлса керак майди мунчоқлар болдир суяги билан товон суяги бирлашган жодан ҳам топилган. Ўша ерда 0,3x0,35 метрли жойдан қизилжигар ранг тусдаги чиркин органик моддалар бор доғ қайд қилинган (мунчоқлар билн безатилган оёқ кийими қолдиқлари). Қабрдан ҳаммаси бўлиб 42 та йирик ва 300 дан ортиқ майда мунчоқлар топилган.

25 қабр. Қабр бошқа қабрлардан ўз жойланиши ва дафн удумлари билан фарқ қилади. У қабристоннинг дарё ва вохага энг очиқ бўлган, кўзга яққол ташланадиган майдончасида баланд ва тик нишоблик ёнида жойлашган. Қадимги, ўрганилаётган даврда ер юзаси бўлган сатҳда қабр устига 2,3 метри диаметрда, айлана шаклда тош теришиб белгиланга. Турли ҳажмдаги сувда силиқланган тошлар қабр устига 1-2 қатор қилиб терилган. Тош қатлами остида 4,42x2,8 катталикдаги чўзинчоқ ярим айлана шаклдаги қабр чуқури қайд қилинган.

Тадқиқот вақтида қабр чуқури жануби – шарқ томонга кенгайиб борди. Қабрчуқурини тўлдирган тупроқнинг юқори қисми кўмир кукуни аралашган тупроқдан, пастки қисми эса таркибида кўмир бўр ва оҳранинг майда бўлакчалари кўплаб учрайдиган соз тупроқдан иборат. Лаҳаднинг бир-бирига яқин ҳолатда шарқ томонга қаратиб дафн қилинган. Мархумларнинг бошлари лаҳад деворига жуда яқин жойлашган. Жасадлар чап ёнбошида, сал букчайтириб кўмилган. Шу билан бу қабр

қабристондаги бошқа қабрлардан фарқ қилади. Марҳумлар билан биргаликда буюмлар кўмилмаган.

Жасадларнинг остида айниқса, тос суяклари остида дўмир, бўр, оҳра булакчалари кўплаб учрайди. Марҳумларнинг дафн қилиши шарт-шароитлари, маданий қатлам жойланиши бузилганлигини кўрсатувчи белгилар йўқлиги марҳумлар бир пайтда кўмил-ганидан далолат беради. Т. К. Ходжайов ўтказган антропологик тадқиқотларга қараганда, бу қабрда хар-хил антропологик типдаги, турли ёшдаги аёл ва эркеклар дафн қилинган. Улардан иккитаси андронova антропологик типига, қолганлари ўрта ер денгизи антропологик типига тааллуқидир.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, бир гуруҳ одамларни бирданига бир қабрга дафн қилиш ўша давр диний маросимга беғликдир. Лекин дафн қилинганларнинг бирон-бир сабаб билан бир вақтда вафот қилганликларини ҳам истисно қилиб бўлмайди (Исҳоқов, Потемкина, 1989, 160 бет). Қабристон кўплаб сополдан тайёрланган идиш ва сосан чўл анъаналарга амал қилиб тамёрланган безак тақинчоқ буюмлар топилган.

Сопол идишлар кўлда ясалган бўлиб, уларнинг асосий қисмини туваксимон идишлар ташкил қилади. 50 фоиз сопол идишларга нақш туширилган. нақшлар унча кўп бўлмасдан, улар асосан тор идиш оғзидан пастроқда идишнинг айланасига тор тасма шаклида туширилган. Нақшлар бир қатор қилиб жойлаштирилган, ичи чизиқлар билан тўлдирилган уч-бурчаклардан, тикка қилиб ёки ёнбошлатиб чизилган арчасимон шакллардан, кертик (ўйма), тарновчасимон безаклардан иборат бўлиб, улар чизиш, текис ва кунгурадор босма нақш бериш йўли билан бажарилган. Бу сопол идишлар Қозоғистондаги андронova маданияти сўнгги босқичларига оид маконлардаги ва тозабоғёб ёдгорликларидаги сопол идишларга анча ўхшашдир.

Сопол идишлар орасида дохқончилик, маданияти сопол тайёрлаш анъаналари таъсири сезилиб турган идишлар ва кулолчилик чархида

тайёрланган Сополли маданиятининг муллали босқичига оид туваксимон идишларига ўхшаш идиш топилган.

Безаклар, асосан, бронзадан тайёрланган жеваклар, қўнгироқчасимон сирғалар, катта ва оғир, билагозуқлар, илмоқли кўзгулар, халкалар, узуклар, катта ва турли шакл ва катталиқдаги мунчоқлардан иборат. Безаклар орасида бир жуфт қўнироқчасимон шаклдаги олтин сирға шунингдек майда тақинчоқлар, мунчоқлар, думалоқ тўртбурчак ялпоқ маржонлар бор, Умуман, барча тақинчоқлар федоров ва сўнгги андронova ёдгорликларида учровчи тақинчоқларга ўхшашдир. Юқорида кўрсатилган безаклар билан биргалиқда бронза даврининг деҳқончилик минтақалари аҳолиси фойдалана - диган тақинчоқлар ҳам учрайди. Майда ложувард мунчоқ ганчдан тайёрланган, бир умумий маркага эга бўлган катма-кет доиралар шаклидаги нақшли гардишсимон мунчоқлар шу хилдаги безаклардандир.

Спол идишларнинг кўринишига, қатор бронза тақинчоқ – безакларнинг шаклига қараганда қабристонга милоддан олдинги XIII-XI асрларда дафн қилинган.

Хулоса қилиб шунинг айтиш мумкинки, марҳумлар жасадининг ётиш ҳолати ва йўналиши; дафн маросимида оловга топиниш белгилари. оҳра сопол идишларнинг кўриниши ва қабрда жойлашиши, андронova типдаги бош суяклари борлиги сингари белгилар ёдгорликнинг дашт бронза маданиятига тааллуқли эканлидан далолат беради. Дашти – Қози қабристонида, асосан, андронova маданиятига таалқли белгилар билан биргалиқда маҳаллий бронза даври деҳқонлик маданиятига оид белгилар ҳам учрайди. Бу қабрларнинг оғзи бир ёки бир неча тош билан ёпиладиган, катакомба, типда (алоҳида лаҳадли) эканлигидир.

Юқорида қайд қилингани - да, андронova типдагн буюмлар билан биргалиқда деҳқончилик минтақаси аҳолисининг сопол идиш, тақинчоқ – безаклари ҳам учрайди. Дашти – Қози қабристонидан топилган материаллар тозабоғёб – андронova маданиятига тааллуқли чорвадор

қабилаларнинг шимолий дашт минтақала - ридан Ўрта Осиё деҳқончилик воҳаларига келиб жойлашганлиги тўғриси - даги илмий фаразкини бир бор ишончли равишда тасдиқлайди (Итина, 1977, 232 – 233 бетлар; Литвинский, 1981, 157 – 158 ва бошқа бетлар). Ед-горликларнинг жойлашган ўрни чорвадор қабилаларнинг деҳқончилик воҳаларига дарёларнинг қирғоқлари ёқалаб силжиганини тасдиқланди.

Зарафшон воҳасининг юқори қисмидаги андронава маданияти ёдгорликларининг умумий таърифи учун Чорбоғ қишлоғи яқинидаги (Якубов 1980, 169 бет), ҳамда қадимги Панжакент шаҳри яқинидаги Дашт - Ўрдакондаги (Беленцкий, Маршак ва бошқалар, 1977. 559 бет) яқка тоса - дифий топилган қабрлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг биринчиси қишлоқ хўжалик ишлари пайтида бузилган, анъанвий буюмлар қўшиб қўмилган аёл киши дафн қилинган қабрdir. Марҳумнинг билакларида учтадан ясси, тасмасимон билагузук. кулоқлари ўрнида, иккита оғзи кенг кунғироқсимон кумуш сирға, кўкрак қафаси устида кўплаб мис мунчоқлар топилган. Қабрдан учта катта бўлмаган, кўлда ясалган, таги ясси бўлган, туваксимон, нақшсиз идиш топилган. Дашти – Ўрдакондаги ўнг томонга ёнбошлатиб боши шимол томонга йўналтириб қўмилган 6 – 9 ойлик гўдак дафн қилинган қабр катта қизиқиш ўйғотади. Бу бош суякларидан бири федоров типидagi нақш берилган туваксимон сопол идиш ичида қўйилган (Длужневская, 1976, АОЛБ (ЛОИА) архиви, 195295, альбом 03156 – 72 – 74).

Зарафшон воҳасининг ўрта қисмида Мўминобод, Чакка қабристонлари, Сойғус, Сиёб яқка тарздаги қабрлари, Энгельс номли жамоа хўжалигида алохида топилмалар ва Тўқайли бузилган макони қизиқарлиdir.

Сиёб қабри ўрта Осиёдаги энг илк андронава ёдгорликларидан биридир. Қабр Самарқанд шаҳрида, Сиёб сойининг чап қирғоғида қадимги Афросиёб шаҳрқий дарвозасидан бир неча ўн метр узоқликда жойлашган. У 1977 йилда қурилиш ишлари. пайтида топилган бўлиб,

Самарқанд давлат университети археология кафедраси олимлари томонидан ўрганилган. 1.75x1,55 метрлик қабр чуқуридан калласи шимоли ғарбга қаратиб, букчайтириб кўмилган, яхши сақланмаган жасад колдиқлари топилди. Бош суягининг ўнг томонидан пастки жағ суяги устидан тарновчасимон, ўртаси ботиқ бронза тасмаси бўлаги саккиз сонига ўхшатиб ясалган шаклдаги – чўлпи топилди. Бошнинг ёноқ суягининг остидан худди шундай иккинчи шаклда – чўлпи топилди.

Марҳум бўйнидан ва курак кафаси устидан марказдан тарқалган нур шаклли, феруза ромбсимон шаклдаги шокилалли безак-тақинчок, шунингдек феруза ва ақикдан қилинган бочкасимон ҳамда ганчдан қилинган атрофи кертикли чизиклар билан безатилган маржонлар топилди. Жасад би-лаклариди бронзадан ясалган ялпоқ, тасмасимон билагузуклар, бир бармоқ суягидан эса айлана – бурама (спиралсимон) кўзли узук топилган. Қабр ичидаги сопол идишларни қурувчилар қабрдан олиб синдиришган, Идишлар-нинг сақланиб қолган булакларидан нақиларига қараганда улар Қозоғистон ва Урал бўйидаги перов – олақўл ёдгорликларидаги сопол идишларга ўхшайди. Намозгоҳ у даври қадимги дехқончилик маданияти ёдгорликларидаги безакларига ўхшаб кетадиган қимматбаҳо тош ва ганч безакларига (Массон, 1981, т. XXII) ва сопол идишларга қараганда, Сиёб қабрини милoddан олдинги XIX - XVII асрларга тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин.

Бронза даврига оид Мўминобод қабристони Самарқанд шаҳридан 64 км шарқда, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғида жойлашган. Уни 1964 йилда Д. Н. Лев, 1966 йилда А.А.Асқаров текширган (Лев, 1966; Асқаров, 1970).

Бу ердан 5 та марҳумлар яқка тарзда дафн қилинган қабрлар танилган. Қабрлардан боши ғарбга қаратиб ўнг ёнбошига, букчайтириб кўмилган аёлларнинг жасадлари топилган. Марҳумлар билан биргаликда кўплаб буюмлар кўмилган. Марҳумларнинг бошлари олдида геометрик

ўйма-нақшлар туширилган, қўлда ясалган туваксимон сопол идишлар топилган. Бош суягининг кулоқлари жойлашган ўрнида олтин ва бронзадан ясалган оғзи воронкасимон кенгайган сирғалар; усти жуда юпка олтин ва кумуш сир билан қопланган бронзадан қилинган ҳалқага ўхшаш найчасимон сирғалар топилган. Дафн қилинганларнинг билакларида иккитадан баъзан учтадан кенг бронза билакузулар бор. Тос ёки тизза суяклари олдида, ўртасида илмоси бор ялпоқ бронза кўзгулар қўйилган. Болдир суяклари атрофда цилиндр ва бир-бирига кент асослари билан ёпиштирилган икки конус шаклидаги бронза мунчоқлари топилган. Қабрлардан бирида суякдан қилинган сибизга (най) топилаган. Барча марҳумлар устида бронзадан эритиб қўйиш йўли билан тайёрланган мунчоқчалар жуда кўплаб сочилиб ётарди.

Тақинчоқларнинг лаҳадда жойлашган ўрнига қараб Ўзбекистондаги чорвадор қабилаларнинг кийимлари қанақа бўлганлигини аниқлаш мумкин. Мунчоқлар тизилган ипларини қолдиқларига қараганда, тўқилган газмолдан тайёрланган, мунчоқ шодаларининг жойлашишига қараганда, этаги тиззадан пастроқда бўлган қўйлак кийишган. Қабрлардан топилган сопол идишлардаги нақшларга (эгрибугри чизик, учбурчак) ўхшаш нақшлар майда мунчоқлар билан қўйлак енги, ёқаси, этақларига тикилган.

Хулоса

Олиб борилган Илмий тадқиқот ишлари ҳақидаги мақолалар манграфялар, рисоалар, мазмунига кўра Ўрта Осиёда инсониятнинг ўтроқлашиши ишлаб чиқариш хўжалика бўлган муносаботи икки дарё хавзасини юқори ва қуйи қисимларида эраиздан олдинги олтинчи тўртинчи минг йилликларида ўз ифодасини топган. Зарафшон воҳаса тарихида юз берган ўтроқчилик ва ишлаб чиқариш фаолияти қадим маданият, илк деҳқончилик маданиятини ўчоқларидан бирини ташкил этганлигини манбалар тадқиқоти асосида кўрамыз.

Ўзбекистон ҳудудида хусусан, Зарафшон воҳаси Шарқ Дунёсида қадимги маданият марказларидан бири ҳисобнади. Зарафшон воҳаси ватанимиз тарихий тарақиқиётини ифодалаб берувчи моддий маданият ёдгорликларига сероб ҳудудлардандир. Кейинги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра ваҳа илк палеолит давридан одамзод томонидан ўзлаштирилиб, тош асрининг кийинги тарақиёт босқичлари барчасида узлуксиз, маҳаллий маданиятлари негизида ворисийлик асосда маданиятлар яратилганлиги, тадрижий ривожланиш бўлганлиги маълум бўлди ва улар археологик материалларда тасдиғини топди. Воҳанинг шу кетма-кетлик маданият тизимини неолит даври жамоалири моддий маданиятини ҳам ўзига хос ўрни бор, алабатта. Юқорида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон илк жамият жамоалари хўжалик машғулотлари тўғрисида маълумотларни келтирдик. Шу нуқтаи назардан, Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши қандай даражада кечганлиги масаласини янги археологик тадқиқотар ютуқларига таяниб иш кўрилди. Оқтанга макони тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олмасак, Юқори Зарафшон воҳасида неолит даври жамоаларига тегишли ёдгорликлар тўлиқ ўрганилмаган эди.

Қуйи Зарафшон воҳаси ва унинг таркибий қисми бўлган учта қадимий ўзанларида калтаминор жамоалари яшаганлиги тадқиқотларда аниқланди ва улар моддий маданияти калтаминор тарихий-маданий

жамоалари маданиятининг маҳаллий характердаги Қуйи Зарафшон маданий варианты сифатида тан олинди.

Зарафшон воҳасида кечган тош даври жамоаларининг узлуксиз, автохтон тарзидаги маданиятининг тадрижий давоми тарихий тараққиётнинг энеолит, жез ва илк темир (Саразм, Замонбобо, Тўқайли, Афросиёб, Кўктепа ва ҳ.к) даври жамоалари маданиятида кузатилади.

Металлнинг кашф этилиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнади: ўтроқ суғорма деҳқончилик кашф этилди: цивилизациянинг асосларидан бўлган урбоник, шаҳарлашиш жараёни ривожланиб кетди; маънавий тараққиётда ўзгаришлар бўлди; мулкий табақаланиш асосида дастлабки давлат кўринишлари, шакллари юзага кела бошлади. Шу каби омиллар Зарафшон воҳаси қадимги цивилизациясини шакллантирган. Бу қадимги цивилизация мазмунида, шубҳасиз воҳа миқёсида кеч илк ишлаб чиқариш иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши муҳим аҳамият касб этади, унинг тарихий илдизларидан бири бўлиб ҳисобланади. Зарафшон воҳасида юзага келган илк маданият мезолит неолит даврларида дастлабки босқич ҳисобланиб бронза даврида маданият деҳқончилик асосида ривож топди. Хулоса шундан иборатки Зарафшон воҳаси қадим аҳолиси ибтидои даврдан сўнги лағонасида ишлаб чиқариш цивилизациясига қадам босган.

Фойдаланиладиган абдабиётлар

И.Каримов тарихий хотирасиз келажаги йўқ 1998 й

1. Гулямов Я.Г Исломов У.,Асқаров Первобытная культура и возновение орошаемого земледелия в низовьях Заравшана –Ташкент Фан, 1966;Корокова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство нелитических племен Средней Азии. МИА, №158 – Л.Наука 1969.
2. Холматов Н.У.К хронологии келтаминарских материалов староречий Заравшана. ИМКУ, Вып.34, Самарканд, 2004.
3. Виноградов А.В. Кўрсатилган адабиётлар. 1981 Холматов Н.У. Мезолит низовьет Зарафшана – ИМКУ, №30, 2000. Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана -Ташкент, Фан,2007,
4. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы ренейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов, -МЭХ, вып. 10 –М.Наука, 1975; Виноградов А.В.Кўрсатилган адабиёт. 1981
5. Виноградов А.В. Кызылкумские ювелиры. – УСА – Л. Наука, 1972 вып. Бирюза, первобытная мода, этногенез СЭ, 1972 , а №5; Виноградов А.В., Лапатин С.В., Мамедов Э. Д. Кызылкумская бирюза (Из истории добычи и обработки). –СЭ, 1965, №2. 129-130; Виноградов А.В.1981.
6. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. М.Л., Наука, 1964, Первме цивилизации. М., Наука, 1989; Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва, Наука, 1980. Шнирельман В.А. «Неолитическая революция» и неравномерность исторического развития. - Проблемы переходного периода и переходнмх обществених отношений. Москва, 1986,'Шнирельман В.А. Возникновение производяшего . хозяйства. М, 1989; Бадер О.Н. Древнейшие земледельцы! Северной Месопотамии. М., Наука, 1989. Семенов С.А. Происхождение земледелия. М., 1974.
7. Лисицина Г.Н. Основнме этагш истории земледелия на юге Средные Азии Л., 1968;
8. Виноградов А.В. Древние охотники и рыгболовн Среднеазиатского


- Междуречья. М., Наука, 1981, С.173.;
9. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганм. Ташкент, Фан, 1986;
10. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. Нукус, 1996, с.3-42.
11. Ермолова М.Н. Вопросы изучения остатков животных в археологических памятниках в связи с проблемой возникновения и развития производящего хозяйства. Барнаул, 1983.
12. Ранов В.А. Гиссарская культура: распространение, хронология, экономика. // Культура первобытной эпохи Таджикистана. - Душанбе, 1982; Гиссарская культура - неолит горных областей Средней Азии. // Каменный век Северной, Средней и Восточной Азии. - Новосибирск, 1985; Ранов В.А. Неолит (гиссарская культура). История Таджикского народа. Том 1. - Душанбе, 1998. С.105-123.
13. Джўракулов М.Ж. Зарафшон воҳаси тамаддунининг илк саҳифаларидан. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 34-нашри, Самарқанд, 2004, Самарқанд ҳудуди билан боғлиқ жойлар: тош даври жамоалари моддий маданияти. Самарқанд шаҳри 2750 йиллигига бағишланган халқаро илмий конгресс материаллари, Самарқанд, 2007.
14. Вавилов Н.И. Центр! происхождения мирового земледелия в свете современных исследований. Избр.тр. М.Д965.Т.5.
15. Гулямов Я.Г. Исламов У. Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966; Исаков А. Саразм. М., Наука, 1991.
16. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент, Фан, 1991, с. 102-110
17. Холматов Н.У. Ўрта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепакул 4 макони асосида). СамДУ ахборотномаси, 2004, № 4, 31-34-бетлар;
18. Джўракулов М.Ж. Зарафшон воҳаси тамаддунининг илк

саҳифаларидан. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 34-нашри, Самарканд, 2004, 15, 16-бетлар. Холматов Н.У. Ўрта Зарафшон неолит даври моддий маданиятининг баъзи хусусиятлари (Тепакул 4 макони асосида). СамДУ ахборотномаси, 2004, № 4, 31-34-бетлар


19. Хужаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кшмлкумов. Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 годък Ташкент, 2006, с 244-25
20. www.arxeologiya.ru
21. www.uz.ru
22. www.uz.ru
23. www.referat.ru


Мундарижа

Кириш.....	3-4
I боб Қуйи Зарафшон воҳаси	
ўрганилиши тарихи.....	5
1.1§. Мохондарё ёдгорликлари.....	5-10
1.2§ Лавлакони Қизилқум ички ҳудуди.....	11-14
1.3§. Зарафшон воҳасида илк ишлаб чиқариш маданиятини шаклланиши.....	15-20
II боб Юқори Зарафшон хавзасидаги	
Неолит даври ёдгорликлари.....	21
2.1§. Юқори хавзасидаги ёдгорликлар.....	21-24
2.2§ Сарозм хўжалиги ва архитриктураси (деҳқончилик маданиятининг шаклланиши).....	25-48
III боб Илк деҳқончилик маданиятини	
юзага келиши.....	49
3.1§ Замонбобо маданияти ёдгорликлари.....	49-55
3.2§ Зарафшон воҳасида дашт кўчимачиларининг пайдо бўлиши ва илк деҳқончилик маданияти тасири.....	56-67
Хулоса.....	68-69
Тафсия адабиётлари.....	70
Тақдирот.....	76-80



(Ўрта Осиёда илк ишлаб чиқариш манзилгохларнинг жойлашуви)





(Қуйи Зарафшон ва Қизилқум воҳасида жойлашган неолит даври
жамоалари)